

**Носиржон Жўраев**

*Тақвим — ҳижрон учун тузилган жадвал,  
Қатма-қат уйилиб борар сенсиз кун.  
Билмадим, ким эдим севмасдан аввал,  
Одамга айландим*

# **муҳаббатдан сўнг...**

**Шеърлар, қисса**

**Тошкент — 2010**

## **Адабий-бадиий нашр**

### **Масъул мұхаррир**

Анвар Обиджон,  
Ўзбекистон халқ шоири

Носиржон Жўраев — Наманган вилоятининг Наманган туманига қарашли Шўрқўрғон қишлоғида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган (2001-2007). “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида мухбир, катта мухбир ва бўлим мудири сифатида ишлаган (2005-2010). “Зомин” ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси (2001).

Ижод намуналари марказий нашрларда эълон қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида “Улғайиш кунлари” номли китоби чоп этилган (2008).

Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлайди.

## Шеърлар

*Тупроқнинг остига сизмаган илдиз  
Ёриб чиққан каби ерга дарз солиб —  
Менинг ҳам юрагим кўкарди илкис,  
Муҳаббат бобида сендан дарс олиб.*

## **БОДОМ ГУЛЛАРИДЕК...**

Бодом гулларидек ҳилвироқ ва оқ  
 Юрак билан шамолларга юзландим.  
 Мушт тұгсам — куртакдир, кафт ёзсам — япроқ,  
 Баҳор бўлиб чаманларга юзландим.

Ҳар бир ҳужайрамга нур қадаб қуёш,  
 Кейин ўзимни ҳам нур атаб қуёш,  
 Қошимда ўлтирар боадаб қуёш,  
 Мен шу ёруғ томонларга юзландим.

Бодом гулларидек бисёр ва бир хил  
 Кунларга ранг бермоқ бўлмайди енгил.  
 Эй Худо, тилимни дилимга бир қил,  
 Нажот сўраб осмонларга юзландим.

Ҳаёт — Одам Ато ном қўйган майдон,  
 Балки бу майдонда қадамим майда.  
 Лек ўтмишим дилда, эртам манглайда,  
 Бугун ҳамма замонларга юзландим.

## ЙҮЛ

Қай томонга бўлсин — йўл юрмоқ азоб,  
Кифтинг эзилади, увишар оёқ.  
Аммо қачонлардир битилган китоб  
Ичра бизнинг қисмат аталди сайёх.

Сайёҳки, эҳтимол ибтидо халқи —  
Одам Ато қўйган қадамдан бошлаб,  
Гоҳи шиддат билан, гоҳида қалқиб,  
Ҳамон юрмоқдамиз сафни алмашлаб.

Бу сафар, аслида, жиддий саёҳат —  
Ҳали кўрилмаган кунларга сайд.  
Фақат бу йўлларда керакдир тоқат,  
Кетмаса бўлгани шаштлар пасайиб.

Ўзига йўл очар нечун жилғалар,  
Нимага ишора Сомон йўллари?  
Ҳатто қушлар ўзи илғаб-илғамай,  
Умрлик сафарга маҳкумдир бари.

Воажаб, бу йўллар бунчалар тифиз,  
Бунда кимлар ҳорди, кимлар чидади.  
Истаймизми-йўқми, биз ҳам йўлчимиз,  
Биз ҳам шу сафарнинг давомчилари.

Юриш қандай яхши элдан қўл узмай,  
Манглайда юрт бўлса, кўнгилда иймон.  
Ахир даҳшатмасми, бу йўллар узра  
Шундоқ ўтиб кетмоқ беном, бенишон.

Кўнгилдан кўнгилга йўл топмоқ — бойлиқ,  
Бахт — сенга йўл келса бирорта дилдан.  
Мухими, адашмай, толмай борайлик  
Худонинг йўлидан, Юртнинг йўлидан.

## ДИЙДОР

Қуёшни айланиб йил ўтказдик биз,  
Ерни айлантириб ўтказдик кунни.  
Қандай хушхабар бор бизларга, Наврўз,  
Бобомни жаннатда кўрганинг чинми?!

Оппоқ ҳовур пуркаб келди бир тулпор,  
Келди-ю депсиниб ерни уйғотди.  
Сенинг юрагингда нима гап, баҳор,  
Сенга етолмасдан яна ким ўтди?!

Қаҳратон қадами шунчалар майда,  
Йиқилган кўп бўлди, толган кўп бўлди.  
Менга дардингни ёр, титраган майса,  
Қайси бир мозорга борган кўп бўлди?

Барин била туриб сўраш телбалик,  
Бўлак ниманиям айтайн, кўклам.  
Аслида, кўнглимда бошқа бир ҳадик —  
Ҳали хушхабарлар бормикан кўқдан?

## УЧ ОҲАНГ

Дунёнинг у чети титраса ногоҳ,  
Бу четда турғанлар юрак ҳовучлар.  
Сониялар ичра ошиб тошу тоғ,  
Қулоққа етади борки товушлар.

Денгизлар шовуллар — куйлар бетиним,  
Шамол унгурулардан беради овоз.  
Ҳатто чумолининг шитир-шитирин  
Баъзан шууримиз илғайди бехос.

Қадам товушлари — тириклик куйи,  
Киприк қоқишдан ҳам чиққай бир наво.  
Жамласак, осмонни кетарди ўйиб  
Салом ва алиқдан йифилган садо.

Аммо уч оҳанг бор — ҳаётдан дарак,  
Шу уч куйдан дунё яралгай янги.  
Чақалоқ йифиси, шунга муштарак  
Она алласи ва Янги йил бонги.

## ТИЛАК

*Дўстим Нозимжонга*

Елканг кенгиб борар, кўзинг равшан тортиб,  
 Йил дегани ўтиб борар шитоб билан.  
 Ёшлиқ эса сендан ортиб, мендан ортиб,  
 Ортимиизда қолаяпти хитоб билан.

Кеча бизлар бола эдик ғўр, соддадил,  
 Бугун эса сўзлар тетик, бўйлар адл.  
 Қадам олишимиз ҳатто шердан дадил,  
 Йигитликка ўтдик кўҳна ҳисоб билан.

Миттигина учқун ташлаб жон-жонингга,  
 Ишқ чирмашар сочингдан то товонингга,  
 Худойимдан ўргил, тўртта томонингга  
 Қўргон қилди чимилдиғу меҳроб билан.

Аммо қисмат азобингни шу тарз берса,  
 Тингламаскан кейин унга ким арз берса,  
 Сен ўқисанг ўқийсанки, у дарс берса,  
 Тақдирга дарс бериб бўлмас китоб билан.

Майли, бу гап кўнглимиизни қилмасин ғаш,  
 Эриигитга ярашмайди қайтиш, тўхташ,  
 Қизинг бўлса кўзи худди сенга ўхшаш,  
 Ҳаёт ширин — тан олганда инсоф билан.

Кўксимиизда завқ-иштиёқ ўт олганда,  
 Вакти келиб бир манзилга етолганда,  
 Биз тик туриб қадаҳларни кўтарганда,  
 Ўғлинг кўзин юмиб турсин одоб билан.

## НАМАНГАН

Ҳар гал қайтганимда бу қора ерга,  
Шаҳар оқ яктақда қошимга чиқар.  
Чуқур син солади менга билдирамай,  
Бошимдан ўтганин кўзимдан уқар.

Мен эса зил кетиб бораман, яъни  
Кўксимга қўрғошин қуйилётгандай.  
Софиндим деганим, келдим деганим  
Унга миннат бўлиб туюлётгандай.

Наманганд — онамга ўхшаган шаҳар,  
Онамдек яшириб ўтдинг дардингни.  
Ўғлинг келяпти, деб эшитган маҳал  
Рўмолинг учига ёшинг артдингми?!

Боқсам, юзингдаги қуюқ ажиндан  
Бўлак-бўлак бўлиб илғанар тарих.  
Жангда арқон учун кесган сочингдай  
Қорадарё бўлиб тўлғонар тарих.

Патқаламда қўйиб гажакдор имзо,  
Фитналар тузганда Аҳмад Танбаллар,  
Аҳси қирларидан Умаршайх Мирзо  
Ҳар кун қулаб тушар юрак чангллаб.

Мулла Бозор Охунд — кўхна пирхона,  
Қанча авлиёга мударрис, устоз.  
Шикоятхонамас, шоир, шеърхона  
Бўлган кунларингда яйраганинг рост.

Қайси бир муazzам, қутлуғ сахарда  
Худо ихлос билан қорган зувала.  
Шунданми, ҳар куни Эски шаҳардан —  
Бомдоддан қайтади Машраб бувалар.

Бугун икки қадам биз билан Сибирь,  
Бориб-қайтиш мумкин бир кун ичида.  
Аммо ҳануз Усмон йўл қарап дилгир,  
Туйнукдан термилиб оёқ учидা.

Хаёт қайта-қайта яшарар экан,  
Такрор-такрор орзу түларкан дилга.  
Бугун олийгоҳга қатнаган укам  
Ибрат домла бўлиб қўринар менга.

Намангандар — мен учун бир умрлик йўл,  
Намангандар, мен учун барҳаёт гулсан.  
Онажон, мен энди улгайган ўғил,  
Кўз ёшинг яширма ёнингга келсам.

## ЭТЬИҚОД

Хар кимнинг қалбида турфа ақида —  
Ким хочдан, ким ўтдан шафоат тилар.  
Бу ҳам бир фаросат, дид борасида  
Беҳбудий айтгандек баҳслашмайдилар.

Оллоҳдан хабардир ҳар бир дақиқам,  
Ҳар лаҳза иймонга келишга шайман.  
Аммо гап бошланса худо ҳақида,  
Мени шоир қилган дардни эслайман.

## МУҲАББАТ

Пешонамга омоч тортади кунлар,  
Кўзимда милтиллаб сўнар учқунлар.  
Теранлашган сайин манглайимда хат,  
Тобора олислаб борар муҳаббат.

Шунча йил ёнимда юрган дўст эди,  
Қалбингга қўшилиб тезроқ ўс, деди.  
Мени улғайтирган, одам қилган дард —  
Тобора олислаб борар муҳаббат.

Тиник тортган сари ақлу шуурим,  
Мазмунин йўқотиб боряпти умрим.  
Менинг зараримга ўйин қиласар вакт,  
Тобора олислаб борар муҳаббат.

Аввал умримга ранг қўшилган эди,  
Қадам товушим ҳам қўшиқдай эди.  
Энди ноёб-ноёб қўксимда ҳайрат,  
Тобора олислаб борар муҳаббат.

Баралла айтгани ҳасрат-охимни,  
Бўғзимдан бўшатдим бўйинбоғимни.  
Одамдай яшашга келганда навбат,  
Тобора олислаб борар муҳаббат.

Юзимнинг нурини шимириб ҳаёт,  
Яшар қучофимда семириб ҳаёт.  
Мени шу азобга солиб тоабад,  
Тобора олислаб борар муҳаббат.

**ИСМ**

Бир нүктага тикилдим узок,  
Киприк қоқмай туриб қолдим жим.  
Күзим юмсам, тирилар шу чоғ  
Хотирамда мўътабар исм.

Бу ном ўтган умримга изоҳ,  
Шарҳлаб берар кечаги кунни.  
Аммо киприк қоқмасдан узок  
Ва ўтмишсиз яшаш мумкинми?!

## ХИЖРОН КЕЧАСИ

Стулга ўтирди бир оғир соя,  
Тамаки буюрди ва аччиқ қаҳва.  
Унинг оёғига тиз чўқди роял,  
Маҳзун куй бошлади муҳаббат ҳақда:

“Армону ҳижронлар келса устма-уст,  
Азобу изтироб турса ёнма-ён.  
Ҳукм қил, бир бора бўлай юзма-юз,  
Мени ўтмиш билан боғла, художон!”

Белларини маҳкам боғлаб пардалар,  
Моҳир раққосадай этдилар хиром.  
Бир нуқтага боқиб қотди лампалар,  
Кўрсатиб машшоққа чукур эҳтиром.

Кейин ёришди тонг — тугади концерт,  
Ноталар дафтарин отди бир четга.  
Сўнгги умидлари узилди чирт-чирт,  
Эҳтиёж қолмади бошқа концертга...

## ҮТ

Бу шаҳарнинг ҳамма ёғига  
 Териб қўйилгандек улкан шам —  
 Симёғочларнинг қалпоғига  
 Гугурт чақиб ўйнаяпти шом.

Ишдан қайтдим оёғим оғриб,  
 Қўлтиғимда бир даста қоғоз.  
 Гўё умрим шуларга боғлиқ,  
 Шулар дардан этгудек халос.

Йўлда эса шуълалар рақси,  
 Ҳар қадамда бир ҳовуч ёқут.  
 Ёдга келар ҳув аллақайси  
 Йилларимда қалбга тушган ўт.

Юрагимга ким гугурт чақкан —  
 Ҳозир аниқ айтолмасам ҳам,  
 Ўша пайтда юзимга балқан  
 Ҳаяжонни эслайман кам-кам.

Бу ҳаяжон илк севгимиidi,  
 Илк ҳижронми, унча муҳиммас.  
 Бу ёлқинлар ўша ўт эди,  
 Мен уларни таниёлдим, бас.

Яхши экан ҳамма шаҳарнинг  
 Бир хил бўлса симёғочлари,  
 Яхши экан бор бўлса дардинг  
 Ва қўлингда ишқофозлари...

Гарчи дилга қайта ўт тушган,  
 Уни баҳам кўрай ким билан?!  
 Ахир қандай борай ўтмишга  
 Оғриётган оёғим билан.

**МЕЬЁР**

Тортироқ боғласам одатдагидан,  
Сиртмоққа айланиб қолар бўйинбог.  
Ҳатто меъёр сақлаб чойнинг рангига  
Ичмасам, тушармиш жигаримга доғ.

Қара, ҳар нарсада ўлчов бор шаксиз,  
Ҳаддидан ошмайди ҳаёт дегани.  
Аммо нега сенинг қийноғинг чексиз,  
Нега меъёр билмай севаман сени.

## **БАХОР ЭШИК ҚОҚОЛМАЙДИ...**

Баҳор эшик қоқолмайди, жим —  
Остонамда турап боладай.  
Уйда эса бир иссиқ кийим  
Атай чиқиб кетмас хонадан.

Құлларимга чирмашади шарф,  
Қундуз ёқа сүйкалар юзга  
Ва дер — мени севишиңгиз шарт,  
Тупурдим шу баҳорингизга.

Ох, аёзнинг овози ўқтам,  
Ул аёзки, менинг зўр хатом.  
Тўрт деворнинг нарёғи кўклам,  
Фақат уйим тўла қахратон.

...Баҳор кирад, мўлтирайди жим,  
Алдангандек худди боладай.  
Ахир! Ахир... бир иссиқ кийим  
Менга жой соляпти хонада.

## ХАР ҚАНЧА ЎЙЛАМАЙ...

Хар қанча ўйламай, унутмоқдаман  
Сиз билан боғланган хотираларни.  
Дунёning ярмиси кетар сиз томон,  
Мен билан қолмоқда қолган тенг ярми.

Йиғласанг, кўзларинг тозарар экан,  
Кўзимда қолмади на мунг, на андух.  
Шукр, менга фақат сиздан дард теккан,  
Шукрки, ўша дард аягани йўқ.

Вақтида тўкилмай қолган япроқдай  
Тангрининг ҳукмига келтирдим куфр.  
Худди сизда менинг ҳаққим кўпроқдай  
Яшабман, шу ўтган умримга узр.

Ёлғизлик — муҳаббат етган чўққидир,  
Буни шоирлардек қилмасман талқин.  
...Ва энг зўр шеъримни бугун ўқидим...  
Мен ёлғиз яшашга кўниқдим балким.

## АФСУС

Толиқдим,  
бағримдан шамолинг ўтсин,  
жисмим түзғиб кетсин,  
энди арзимас.  
Менга деса, бари қолмайми ўқсиб,  
яшаш — бу менинг қарзиммас.

Хаёл потраб кетар  
чироқнур каби,  
деворга урилиб синар нигоҳим.  
Азоблар — ўзимнинг кутган талабим,  
ўзимга ёқади гуноҳим.

Афсусим —  
оғриган жойим жонимдир,  
сен ҳақда ўйлашга ҳамон қодирман.  
Кимга ташлаб кетсам экан ёдимни,  
қандай кечсам экан  
хотирдан.

## АВТОПОРТРЕТ

Кимдир салом деди эшигим очиб,  
Банд эдим — китобдан кўтармадим бош.  
Менга маъқул эди тақдирдан қочиб,  
Шу хилват хонада дарвешдек яшаш.

Сездим, қимтинганча ўзига суриб,  
Омонат ўтириди эски стулга  
Ва ҳамма аёллар каби иш кўриб,  
Бирров разм солди юпун устимга.

Сўнг нигоҳи кўчди деворимдаги  
Бўёғи униқсан кўҳна суратга.  
Уни ҳайрон қилди бир энлик чанги,  
Менинг лоқайдлигим солди ҳайратга.

Сездим, тақдиримнинг ўзи эди у,  
Шу ғарип хонага юборилган баҳт.  
Мен қанча тунларда билмасдан уйқу  
Китоблар ичидан топган буюк дард.

Аммо, минг афсуски, ҳатто бир лаҳза  
Унга боқмоқ учун қизғандим вақтдан.  
Айни шу пайт қалбга солғанча ларза  
Ремарк жаноблари ошарди ҳаддан.

Айни шу лаҳзада йиғлади Робби,  
Патриция ўлди...  
Мен дилгир эдим.  
Кимдир хайр деди, эшигим ёпди,  
Унинг юзларига қарай олмадим.

## ШАРПА ВА ДАРПАРДА

Остонадан ҳатлар хўрсиниқ билан  
Ишдан кеч ва ҳориб қайтётган шарпа.  
Югургилаб-шошиб уйнинг тўридан  
Эшиккача пешвоз чиқар дарпарда.

— Яхши келдингизми?  
— Яхши, ҳартугул.  
Ва узатар шарпа эски портфелни.  
Дарпарда жилмаяр, жилмаяр нуқул,  
Ахир ишдан унинг шарпаси келди.

Мўъжаз хонтахтанинг икки ёнида  
Қаҳва ичар шарпа билан дарпарда.  
Бир-бирини суйиб жони-жонидан  
Шундай баҳтли яшар улкан шаҳарда...

Яrim тун соат занг урап — ўн икки,  
Эслатади тағин яшаш шартини.  
Улар тақдирга ноилож қўниккан —  
Балки шудир баҳтли бўлиш тартиби.

Минг йилдирки, нолимайди бир марта,  
Минг йилдирки, ҳаёт кетмас бузилиб.  
Дуч келган бурчакка чўзилар шарпа,  
Парда деразага осар ўзини.

Тонгда яна тирилар икки қисмат.

## ЁЛҒИЗЛИК

Оқшомда уйига кирди ёлғизлик,  
Совуқ вужудида совуқ қалтироқ.  
Деворнинг бир четин босди. Ҳолсиз. Тик.  
Зулматни қўчага ҳайдади чироқ.

Диваннинг ярмига ўзин ташлади  
(Диваннинг ўёғи ҳамон бўш. Ёнар.)  
Бир айвон, қоронғу залдан ташқари,  
Уни ютаяпти қолган уч хона.

Худди улкан кўздек бақраяр кўзгу,  
Кўкрак қафасини ланг очар шкаф.  
Дарпарда ўрмалаб келади эзгин  
Ҳайҳотдай хонада сезётгандай хавф.

Ёстиқ ёш боладек кирар пинжига,  
Нақ бошига келиб термилар чироқ.  
Наҳот дунё бирдан шунча тинчиган,  
Наҳот унга ҳеч ким қилмас қўнғироқ.

Чорасиз кўз юмар — ухлар ёлғизлик  
Онаси қавиган кўрпа ёпиниб.  
Туш кўрар. Тушида юрганмиш тирик  
Аллақаёқларга кетган хотини.

## БИР САХАР УЙГОНДИК...

Бир сахар уйғондик улкан қалб билан,  
Худди авлиёлар киргандек тушга.  
Буюк бир икрорни айтдик зарб билан,  
Сабримиз етмади қузни кутишга.

Бизнинг қувончларга йўқ эди ташбех,  
Бошимизга баҳтлар ёғди устма-уст.  
Ҳаммани унутдик!  
Бермасдан танбех,  
Жимгина уйига жўнади август.

Куз келди. Этигин лойини қоқди.  
Хазонрез кунларга очдим қучоғим.  
Сенинг кўзларингга бу ранг ҳам ёқди,  
Сарғайди дунёнинг милёнта боғи.

Сўнг уч ой алдади бизни бу фасл,  
Уч ой бошимизда айланди тўзон.  
Сенга заъфарон ранг қилмади таъсир,  
Менга маъқул келди бир дунё хазон...

Бир сахар уйғондик.  
Ҳаммаёқ оппоқ.  
Лол қолдик — бу олам шунча бўм-бўшми!  
Ва бирдан тушундик, қилмадик оҳ-воҳ,  
Эслаб ўтирумадик ҳеч қайси тушни.

Бўйнингни ўрадинг оппоқ шарф билан,  
Этигимни кийдим.  
(Қайга шошамиз!)

Тонгни кутаяпмиз битта шарт билан  
Эртага абадий хайрлашамиз.

## СУКУНАТНИ БУЗДИ...

Сукунатни бузди чарм этикнинг  
Музлаган йўлакка босилган зарби.  
Мени келди дея шошдинг, энтиқдинг...  
Мен эса бу вақтда қарта ўйнардим.

Тамом унутгандим сени, ваъдамни,  
(Кейинроқ эсладим минг афсус билан).  
Ўша кун қақшатиб бир уй одамни,  
Тинмай ютар эдим учта туз билан.

Сен эса кутардинг шом қоронғуси —  
Одамлар уйига шошган пайтда ҳам.  
Қатор симёочлар хира ёғдуси  
Кўчанинг чиройин очган пайтда ҳам.

Қор эса ёғарди улкан шаҳарга,  
Совуқни келтириб бутун оламдан.  
Мен сени унутган шундай маҳалда  
Сен мени излардинг ҳамма одамдан.

Тарк этган чофимда қиморхонани,  
Оёғим босарди мастона, чалкаш.  
Бугунги омаддан масрур болани  
Фақат қутлаш керак, керакдир алқаш.

Сукунатни бузди чарм этикнинг  
Музлаган йўлакка босилган зарби:  
“Аҳмоқ қиз, бунчалар кимга кўз тикдинг,  
Яхшиси, уйингта кетсанг бўларди”.

Қўлингдан етаклаб илдамлади у,  
Елкангга ташлади ёмғирпўшини.  
Қор эса ёғарди сен каби сулув,  
Йўлакка босганча оппоқ тўшини...

Эртаси қўзғатиб оғир танамни,  
Сенга рақам тердим қайта-қайталаб  
Ва бирдан англадим ютқазганимни,  
Йўлакка сочилиди эски қарталар.

## ИЛОЁ...

Сен мени ўқидинг кўксимни ёриб,  
Мен сени аяман, (ошсин хунобинг).  
Илоё, кўрмайин, ёнсин ва ёниб  
Кулдай тўзғиб кетсин ўтмиш китобинг.

Узун умрингдаги милёнлаб қул ва  
Шоҳларнинг йўлини чанг боссин қалин.  
Илоё, эсламай, йиқилган кулба  
Қачонлардир менга азиз бўлганин.

Эҳтимол, келажак мен учун чалкаш,  
Балки, билолмасман мозий мағзини.  
Илоё, билмайин, кўзингдаги ёш  
Мен учун тўкилган бирор лаҳзани.

Шукр, муҳим гапни англатдинг ўзинг —  
Англамоқ келаркан севгидан олдин.  
Илоё, унутмай кўнгилни узиб...  
Қолган муаммони Худога солдим.

## ЭТЮД

Оқшом сув таралган маъсум далалар  
Улкан чилтор каби ястаниб ётар.  
Шу соз энг муazzам куйларни чалар,  
Шу соз хотирамни қайта уйғотар.

Аммо сув бошини беркитди мироб,  
Ҳали кўк бағридан юлдузлар ўчмай.  
Кейин хотирамни куйдирди офтоб,  
Чилтор сингиб кетди жўяклар ичра.

## ЁЗГИ ЁМГИР

Айни саратонда — чиллада  
Осмон қаттиқ шамоллаб қолди.  
Бирдан қуриб кетди силласи,  
Қоронғулик босди күз олдин.

Акса урди елкаси қақшаб,  
Күзидан ўт чакнади, ахир  
Тани қизиб, лаби қуруқшаб,  
Юзларидан оқаяпти тер.

## МАСОФА

— Салом.

— Салом!

Тугайди сұхбат.

Яна бир күн ўтар шип-шийдам.

Мен эртани кутаман диққат

Ва шошилиб келаман уйдан.

Сиз келасиз (турибман англаб)

Тўймагансиз ҳали уйқуга.

Сўнг кирасиз эшикни ҳатлаб,

Ташқарида қолар туйғулар.

Палтонгизни ечасиз сипо,

Гулларга сув қуясиз жиддий.

Сукунатда яшаш доимо

Наҳот оддий, шунчалар оддий.

— Салом.

— Салом!

Жўнгина сұхбат.

Умрим ўтиб борар шип-шийдам.

Тағин қанча кутаман фурсат,

Тағин қанча курийди дийдам.

Сиз тақдирдан чўчийсиз балки,

Кўзларингиз ҳамон ҳадикда.

Настаринлар гулласа ҳамки,

Ўтолмайсиз салом-алиқдан.

## ҲИЖРОННИНГ ҲАР КУНИ...

Тақвим — ҳижрон учун тузилган жадвал,  
Қатма-қат уйилиб борар сенсиз кун.  
Билмадим, ким әдим севмасдан аввал,  
Одамга айландим мұхабbatдан сүнг.

Ҳижроннинг ҳар куни қонга юқаркан,  
Алвон рангга кирди ўн икки ойим.  
Менинг ўтмишимни йўққа чиқарган  
Тақвимга лаънатлар бўлсин, илойим!

Кузнинг хазонини кўрмадик бирга,  
Елкамни қор босса, ўзим қоқиндим.  
Худо азоб қилиб ҳар куни берган  
Ҳар гулнинг ҳидида сени соғиндим.

Ниҳоят кўз юмди энг сўнгги учқун,  
Умидлар тирилмас хато ҳаққига.  
Вақтидан кечиккан тўғри сўз учун  
Қасам ичмай қўйдим Худо ҳаққига.

Ёлғиз бормоқдаман оппоқ туманда,  
Кафтим орқасига кўзёшим артиб.  
Эслаш, соғинишдан безган замонда  
Менинг ўтмишимни ким тушунарди...

## ХИЁНАТ

Ҳар кунгидай қозон бошида  
куймаланиб юрган бир тақдир  
күлларини артди-ю келиб  
оқ күйлакка бўйинбоғ тақди.

Кўйлак йўлга тушди ҳилпираб —  
ишга бориш керак вақтида,  
автобусдан тушгунича то  
ўйлаб кетди тақдир ҳақида.

Ҳар кунгидай қозон бошида  
вақтни зўрға ўтказган тақдир  
күлларини артди-ю келиб  
туш пайти кимгадир сим қоқди...

Ва шу билан ҳикоя тамом,  
ўша куни — етмасдан шомга  
оқ кўйлакнинг ёқасидаги  
тугмалари тўкилди полга.

## ИҚРОР

Тақвимни девордан юлиб отаман,  
 Агар ўтган бўлса бир куним дардсиз.  
 Балки бутун умрим билан хатоман,  
 Аммо мен ҳеч кимман хотираларсиз.

Гул дедим, бу хаёт бир чаман берди,  
 Гуллар сувдек оқди анҳорларимда.  
 Менда ўйлаш учун фурсат бор эди  
 Қайта-қайта келган баҳорларимда.

Бироқ ҳаётимдан ясадим ўйин,  
 Гулдек хазон қилдим ҳар ўтган кунни.  
 Энди ечмоқ қийин, унутмоқ қийин  
 Юрагимда қолган эски тугуни.

Бугун шивирлайман ўзимга секин:  
 Майли, келгусим ҳам ўтмасин дардсиз.  
 Эҳтимол, баҳтиёр бўларман, лекин  
 Мен ким ҳам бўлардим хотираларсиз.

## ДЕНГИЗ

Эҳтимол тўфондир, тошқиндир балки —  
Бехос денгиз босиб кирди хонамга.  
Қоғозу қаламлар сув узра қалқди,  
Мен хам улгурмадим ташлашга лангар.

Қоп-қора сув бўлди тўртта томоним,  
Деворлар шўнғиди мавжлар тубига.  
Мен эса, кўзимга кўринмай жоним,  
Денгизга маҳлиё бўлгандим бу гал.

Нақ ўлим қошида турадим, баски,  
Ҳаётимни босиб келарди хатар.  
Аммо юрагимда бор эди таскин:  
Ахир хонам катта эмас у қадар.

Элас-элас кўрдим чехрангни шунда,  
Шовқинлар остида нимадир дединг.  
Бир баҳя қолганда ғарқ бўлишимга,  
Денгизни турмаклаб уйга жўнадинг.

## ХАЁТ ШЕЬРИ

Изма-из, чирпираб тушар япроқлар,  
Дараҳтлар мұлтираб турага юзма-юз.  
Хар битта хазонни күчиб, ардоқлаб  
Ерга қўймоқда-ю, қарияпти куз.

Куз дониш ва дарвеш чол каби маҳзун...  
Эътибор қилмасдан шовқин-суронга,  
Хаёл суриш учун топғанча мавзу,  
Шарҳ ёзиб боряпти улуғ Қуръонга.

Тиловат вужудни тебратган мисол,  
Дунё қалқиб турага күтлүг оятдан.  
Үлимдан гапирсанг сесканғандек чол,  
Куз умид қиляпти ҳали ҳаётдан.

Эҳтимол, қисматнинг имоси билан  
Оғриган кунлари кўпайган сари,  
Ёзилар Тангрининг имлоси билан  
Кекса ва умидвор кузнинг шеърлари.

## КЕЛДИНГМИ, КУЗ!

— Келдингми, Куз! Қалпогингни еч,  
Үрнашиброқ ўтири курсига.  
Толиққансан, мана, қаҳва ич,  
Хоҳласанг, айт, қўяй мусика.

Бу ерларда қанчага қолдинг?  
— Уч ой.  
— Нима?! Бор-йўғи шуми?  
— Шошма, хафа бўлишдан олдин,  
Эсла, нима деганди Румий.

Ҳар йўқотмоқ топмоқдан хабар,  
Ҳар топмоқлик маҳрумликдай сўз.  
Кўришдик-ку ахир, биродар,  
Мана бу — сен, мана бу мен — Куз.

— Бўлди, дўстим. Қилмайман гина,  
Не бўлсаям кўришдик дийдор.  
Мен дастурхон ёзайнин шинам,  
Ўтган йилги мусалласдан бор.

...Шундай қилиб тонггача қўйдим  
Ва айландик шўх-шаън болага.  
Сўнг бошимни китобга қўйдим,  
Куз кун чиқмай кетди далага.

## ХИКОЯ

Мен айвонда китоб ўқийман,  
Чорбоғимда беҳи узар куз.  
Мени яна (кўзлари қиймай)  
Ташлаб кетолмади у, афсус.

Сабр қилар инжиқ эрига,  
Зерикса ҳам тишга босар тиш.  
Тушунади — рўзгор чириган,  
Аммо билмас — мумкинми кетиш.

Кетса, бир уй қулайди тамом,  
Китоб каби ёпилар бир қалб.  
Балки шундан кун кўрар ҳамон  
Ўзидан ҳам эрини аяб...

Куз ҳансирағ чиқар чорбоғдан,  
Токчаларга теради беҳи.  
Ва ўйлади — тугаб бормоқда  
Уни бир бор қучмаган эри.

Аммо кетмас кўзлари қийиб,  
Гарчи битмас уйида ташвиш.  
Ахир, кетса эрига қийин —  
Энди келса келар факат қишиш.

## КУЗГИ БОҒ

Шамол олиб келар уйимга  
уфқдаги сариқ боғларни,  
сўнг эринмай ҳар битта шохни  
устунларга бир-бир боғлайди.

Худди мўмин болалар каби  
одоб сақлар бир ҳовли дараҳт,  
аммо хали замон уларнинг  
оёғидан ўта бошлар заҳ.

## ПОЕЗД КЕЛДИ...

Поезд келди вақтдан кечикмай,  
Беш дақиқа — хайр-хўшлашга.  
Тақдир ҳали вагонга чиқмай,  
Йигларди перронга қўз ташлаб.

Пастда эса қўл силкир ҳамма,  
Ҳар ким ҳар дарчага тиккан кўз.  
Тақдир рўмол силкиган дамда  
Одамлардан узоқлашди Куз.

Кейин вокзал бир зумда тўзди,  
Уй-уйига шошди оломон.  
Темир излар улкан поездни  
Олиб кетди кунботар томон.

Йўл шу — ким йўқотди, ким топди,  
Йўлда яна нелар берди юз...  
Тақдир ҳам очди бир китобни  
Ва ёидан кўтарилиди Куз.

Ҳаёт эса кетди ўзгариб,  
Янги кунлар бўлди ихтиро.  
Фақат ўша Куз — энди қариб,  
Кучдан қолган бўлса ҳам, бироқ

Ҳар кун қайта вокзални кезди,  
Ҳар тун ёзди фақат бир хил хат:  
“Энди қачон қайтар поездинг,  
Яна қачон келишингни айт?”

**МАНЗАРА**

Хабар таший бошлар чопқир шамоллар,  
Боғлардан боғларга учар сариқ хат —  
Заъфарон баргларда кузги саломлар,  
Заъфарон баргларда кузги муҳаббат.

Кўчалардан ўтар минглаб мактублар,  
Улар ҳар одамдан сўрайди аҳвол.  
Аммо бу хатларни бир жойга тўплаб,  
Аста ёқа бошлар бир фаррош аёл.

## НОЯБРЬ

Майда шохларгача бир-бир силкитиб,  
Сүнгги баргларни ҳам тўқди ноябрь.  
Ҳамма эшикларни зичлаб беркитиб,  
Тебранма курсига чўқди ноябрь.

Ликопчада банди қорайган узум,  
Чинни таксимчада уч-тўртта конфет.  
Аммо хаёлини кесиб ўтди зум  
Қачондир столга ташланган конверт.

Ўқишига тутинди қўллари титраб,  
Мўъжазгина уйга хўрсиниқ тўлди.  
Ўтмиши хаёлдан кечди бир сидра —  
Эслади ёшлиқдан келгувчи йўлни.

Унда асов эди, навқирон эди,  
Қўлида шамолни қамчи қилган — шу.  
Қадамлари чақмоқ, шашт-сурон эди,  
Улкан булутларни томчи қилган — шу.

Йил ўтди, ёш ўтди — қолмади тадбир,  
Энди унинг ҳамма эшиклари берк.  
Қайтадан курсига чўқди ноябрь,  
Кўнглига сифмади ҳеч қандай конверт.

## КЕТИШ

Эзгин күйлар топди ниҳоя —  
Филофига солиб торини,  
Куз тартибга қилиб риоя  
Орқалади жомадонини.

Йўлга тушди ўйчан, хотиржам,  
Иzlаридан судралди шамол.  
Толиққани йўқдир ҳозирча,  
Аммо олис у кетган томон.

Балки кимдир шу олис жойда  
Эсламоқда унинг номини.  
Хавотирман, куз қачон, қайда  
Ерга қўяр жомадонини.

## ҚОР

Шу қадар қор ёғди, шу қадар ёғди,  
Ажратиб бўлмасди тош ва гиёҳни.

Баланд-паст уйларда тенг бўлди мақом,  
Ахир ҳаммасида бир хил оппоқ том.

Одамлар бир тусда — палто ва этик,  
Ажаб, қор ёққунча турфа ранг эдик.

Кимнинг қўли узун, кимники қисқа,  
Кўринмай турибди қўлқопимиизда.

Йўл шундай яхмалақ — йўртиб бўлмайди,  
Ховлиқиб олдинга ўтиб бўлмайди.

Ҳамма бир-бирининг енгидан тутган,  
Гўё гиналарни буткул унуган.

Шу қадар қор ёғди, шу қадар ёғди,  
Ажратиб бўлмади bemору соғни.

## ҚИШКИ ХАТ

Дард ва ҳижрон олиб келган оғриқдан  
Тола сезгимгача ўт бўлиб ёнди.  
Тушун, лаҳзамгача сенга боғлиқман —  
Мен қайга сиғдирай шунча тугённи!

Февраль — қаҳратоннинг сўнгги сахнаси,  
Бунда ниш уради ҳислар қадими.  
Қайта уйғонарми қўлларинг рақси,  
Қўлларинг ухлашдан зерикмадими?

Қанча умрим кечди беном, бенишон,  
Ахир учта фасл ўтди орадан.  
Қўлларингни узат, гапимга ишон,  
Мен сени қўкламга олиб бораман.

## ҚОРПАРЧА

Тиззагача қорга ботди бу уйим,  
Ховлига тикилди сарғайиб дарчам.  
Берган ҳасратларинг, дардларинг уюм,  
Бунча қаҳринг қаттиқ, азиз қорпарчам.

Митти вужудингдан қўрқаман бугун,  
Ҳамма йўлларимни зарб билан босдинг.  
Мени телбалардек севганинг учун  
Ҳатто соchlаримга ўзингни осдинг.

Ҳаётим қорбўрон, кўзларимда ях,  
Менинг ҳаётимни ўйнаган қанча!  
Бермасанг бермагил, майли, менга баҳт,  
Фақат ўйин қилма сен ҳам, қорпарчам.

## ХАЙИТ

Бу қун ҳар мүминга зарраи эъзоз,  
 Бу қун қадр топди қурраи замин.  
 Кўнгилда айланар сураи ихлос,  
 Илоҳо омин, илоҳо омин.

Ҳар битта хонақо, ҳар битта ҳужра...  
 Ниятлар жам бўлди жойнамоз узра.  
 Бугун йиглаш мумкин хаёлни бузмай,  
 Илоҳо омин, илоҳо омин.

Ўйинқароқ, яланг-юпун болалар,  
 Юзида гарди йўқ дуркун болалар,  
 Асли сиз ҳаммадан мўмин, болалар,  
 Илоҳо омин, илоҳо омин.

Иймон танламайди гадо деб, шоҳ деб —  
 Гина сақламанг, дўст, эски бир доғ деб.  
 Қўлимни узатдим раҳматуллоҳ деб,  
 Илоҳо омин, илоҳо омин.

## ИМТИҲОН

Гўдакнинг ризқидан хирмон уяр ким,  
Ким эса тириклик кўйида гўдак.  
Гадони эрмаклаб лаззат туяр ким,  
Кимлар рақс тушиб кўтарар этак.

Ким у ёнарқуртдан мунчоқлар ясаб,  
Ердан ундирганин яширган элдан.  
Мусофирхонада омонат яшаб  
Қайтишда наматни қўлтиқлаб келган.

Ерда бир фан қолди — илми хандаса,  
Ҳар ким яшаш учун кенгроқ жой ўлчар.  
Жиғилдон бандаси, қорин бандаси  
Ҳануз кимлигини қилолмас мўлжал.

Бу шундай талотўп, шундай ур-йиқит,  
Ким зўр, ким хўрлигин айтур замон бу.  
Бомдод намозини ўқиган йигит  
Шомгача бемалол айнир замон бу.

Наҳотки, хаёт шу — аввал нафс бериб,  
Сўнг амал ёзилар ҳатто гўдакка.  
Эҳтимол, худойим шундай дарс бериб  
Имтиҳон қиласи яккама-якка...

## ХАЙРАТ

Яратганинг иши тугал назокат,  
Нафисдир оламга берган чизгиси.  
Қаранг она ерга, қаранг фазога,  
Ҳар битта нуқтада гўзаллик изи.

Қаранг, илдизимни тамом янгилаb,  
Ўзимдан ундириб бир митти буток,  
Боламнинг мулойим, мўрт қўли билан  
Мени шу ҳаётга боғлабди худо.

## САРХУШЛИК

Бу ҳаёт кўрина бошлар кўзимга  
Фоҳиша умридай бемазмун, чиркин.  
Ким парда тортмоқда бугун юзимга,  
Кимга кўп қўринди бир ҳовуч эрким?

Арава изидан кетган мусофир,  
Бу йўл — ҳақиқатдан бошланган эртак.  
Бу йўл осмонларга туташар охир,  
Бу йўлнинг сўнгига қанотлар керак!

Мен ҳақда сўз айтган оғизлар, тининг,  
Ўтинай, сўзимни қилмангиз талон!  
Ҳаромга бурканган йўриғим менинг,  
Аммо мен боражак манзиллар ҳалол.

Биллур идишларда қизил май — ҳаёт,  
О, ҳаёт! Сен — ёзган бир шеъримга teng...  
Майдаги аксимда кўтарсам фарёд,  
Тегманг, пиёлага чўкиб ўлсам мен.

Юзимга тортиброк қўйинг пардани,  
Менга кўплик қилди бир ҳовуч эрким.  
Лек қўрқиб кетаман, сўроқ қилгани  
Чақирганда Худо, менга не деркин?!

## САНДИҚДАГИ ШЕЪР

Бу одамнинг пешонаси шўр,  
Бу одамнинг кўзи доим нам.  
Шўр кўзёшлар хақда мендан сўр,  
Сен қаердан билардинг, болам.

Нари борса, ичган қултум май,  
Баъзан-баъзан дили ўртаниб.  
Китобидан бошин кўтармай,  
Билмай қолди умрин ўтганин.

Бора-бора кичрайди жусса,  
Кенг тўнини ечиб ташлади.  
Бу дунёни, эсига тушса,  
Кўзойнакдан кўра бошлади.

Очиқ-ошкор, аён билдириб,  
Шоирликка келиб ҳаваси.  
Бир умр бир жойда ўлтириб  
Фақат қофозгуллар ясади.

Ҳали хаёт берганида дарс,  
Ҳаммасини англайсан, болам.  
Фақат ҳозир билмай турсанг бас,  
Ўша менман — бечора одам.

## МЕНИНГ БАҲОРИМ

Эшиклардан бир-бир тушмоқда илгак,  
Анҳордек жимирлаб оқмоқда йўллар.  
Ҳамма бир тарафга қўз тиккан илҳақ,  
Баҳор шу томондан келармиш гуллаб.

Уйда эса, нигоҳ солиб оқ шифтга,  
Битта жажжи ниҳол ёзади куртак —  
У факат баҳорнинг номин эшитган,  
У ҳали баҳорни қўрмаган гўдак.

**ИЗДОШ**

*Ўзлим Шоҳидбекка*

Вазмин судралади томиримда қон,  
Эринчоқ булутдек кўчар ҳар бир иш.  
Кун сайин сочимни бўямоқда қор,  
Кун сайин бошимни босиб келар қиши.

Аммо бир таскин бор, тасалли шуки —  
Менинг умрим учун берганча баҳо  
Ва писанд этмасдан ҳаётнинг юкин,  
Ортимда улгайиб келмоқда баҳор.

## ЖҮНАТИЛМАГАН МАКТУБЛАР

**1.**

Мен ўзим кузатдим  
 Қўлидан тутиб,  
 Мени ардоқловчи  
 Одамлар кетди.  
 Ҳамма гуноҳимни  
 Мутлоқ унутиб,  
 Айбимни оқловчи  
 Одамлар кетди.

Ўтмишим ҳаддимдан  
 Сал ташқарида,  
 Билмайман кимларни  
 Эслашни тағин.  
 Чиройли қизларнинг  
 Йиғлашларидан  
 Бўлак хотира йўқ  
 Кўнглимга яқин.

Ўжар, қайсар эдим  
 Ва бироз шоир,  
 Тан олмай яшадим  
 Ҳаёт шартини.  
 Тушунсан, бир томон  
 Айланаркан ер,  
 Бошқачароқ экан  
 Яшаш тартиби.

Такрор сўз ўзимнинг  
 Жонимга тегар,  
 Энди ким гапимга  
 Қулоқ солади.  
 “Ҳар ким ўзи учун  
 Ўзи жавобгар” —  
 Шу бўлди умримнинг  
 Хулосалари.

Мен ўзим кузатдим  
 Қўлидан тутиб,  
 Мени ардоқловчи  
 Одамлар кетди.  
 Бошқа бағирда ҳам  
 Бир мени кутиб,

Бир мени хоҳловчи  
Одамлар кетди.

Сунбула. Олмалар  
Таранглашган кез,  
Қовунлар ҳидига  
Тўлганда ҳовлим.  
Ўзим билан ўзим  
Дардлашиб ёлғиз,  
Бундай сиқилишни  
Сира кутмовдим.

Кузнинг салқинини  
Соғинган кўйи  
Ётаман.  
Ёнимдан ўқсиб олислар —  
Қўлида мен бехос  
Жон бериб қўйиб,  
Ниятга етмаган  
Чиройли қизлар.

## 2.

Ёш эдим, ғўр эдим,  
Эҳтимол ёшим  
Ўн етти-ўн саккиз  
Ораламаган.  
Ҳали айланмаган  
Севгидан бошим,  
Қўлим ҳали бир шеър  
Қораламаган.

Ўшанда райхонни  
Атардим райхон,  
Ўшанда қизғалдоқ  
Қизғалдоқ эди.  
Бир қиз ҳаётимга  
Кирди ногаҳон,  
Билмадим, у кезлар  
Қиз қандоқ эди.

Ўша қиз қоп-қора  
Сочларин ёзиб,  
Менинг вужудимни  
Чирмади бирдан.

Шунда бутун борлик  
Ақлдан озиб,  
Бир хил овоз келди  
Осмону ердан.

“Сизни билмадим, мен  
Сизни севаман!”  
Шунча бўларми бир  
Сўзнинг қудрати?!  
Бир ўлиб-тирилдим  
Бу икрордан ман  
Муҳаббат ҳаққи-ю  
Кўнгил хурмати.

Кейин кунлар кечди  
Рангсиз, файзи йўқ.  
Тунимда липиллар  
Хира шамчироқ.  
Қиз кетди (тўғри-да,  
Мендан қарзи йўқ.  
Қайтанга қарз берди  
Бўса ва титроқ).

Қариб ўн йил ўтди  
Бир кун дардида —  
Илтифот кўрсатган  
Қизнинг куни у.  
Айтсан, минг тўққиз юз  
Тўқсон олтида  
Хазонларга тўлган  
Кузнинг куни у.

Энди хумор қилас  
Май билан бирга  
Шамолда ўйнаган  
Сочларнинг бўйи.  
Соқоллари ўсган  
Ғарид шоирга  
Оғирлик қиляпти  
Хотира куйи.

Титиб ўлтираман  
Кундалигимни,  
Эҳтимол, у кунлар  
Менга дарс эди.

Үшанды бўларди  
Севсам ҳам кимни,  
Үшанды муҳаббат  
Муқаддас эди.

Бир пул бўлганида  
Энди ҳаммаси,  
Ўзимча муҳаббат  
Ҳақида ёздим.  
Аммо адашибман,  
Билсам, чамаси,  
Ахир мен ўн йилни  
Бекор ўтказдим.

### 3.

Тавқи лаънат билан,  
Қарғишилар билан  
Шеър ёзиб дилингиз  
Оғритган менман.  
Жабрдийда, юзи  
Сарғишилар билган  
Юзларга тортилган  
Сўнгги оминман.

Феруза кўзлардан  
Қараманг менга,  
Биламан, сиздаги  
Ҳаёт бокира.  
Мен қайсар одамман,  
Шоир кўнглимга  
Ёлғизлик ёқади  
Сиздан ҳам кўра.

Мен сизни севаман,  
Севганим шунча —  
Бир кунда бир марта  
Салому алик.  
Бироқ туғилгандан  
Ўла-ўлгунча  
Сизни севолмайман  
Битта сўзчалик.

Астойдил эътибор  
Бермай баҳтимга,  
Йўлимда яратдим

Шунча изтироб.  
Сизни қучиш учун  
Кетган вақтимга  
Ёзсам тугар эди  
Ёстиқдай китоб.

Йигирма йил зиёд  
Яшадим шодон,  
Одамлар улашган  
Харорат билан.  
Бундан буёғига  
Шодлик даргумон  
Битта қиз қолдирған  
Хақорат билан.

Мен сизни севаман,  
Ичимда айтиб  
Юрган шеърларымдан  
Күп бўлмаса ҳам.  
Ўша шоирликдан  
Бир зумга қайтиб,  
Севиб туриш керак  
Баъзида одам.

Ёзув столимга  
Кўзёш тўкилар,  
Бугун иродаси  
Сал ожиздекман.  
Мени кўриб қолинг,  
Кейин кеч бўлар  
Машхур бўлиб кетсан  
Чорасизликдан.

Мен сизни севаман,  
Севганим шунча...

## НОЯБР КУЙИ

*Kissca*

*Олам ичра вужуд...  
Вужуд ичра күнгил...  
Күнгил ичра хотира...  
Хотира ичра эса ҳеч нарса қолмади...*

## 1

Ёзишдан тўхтадим-у бошимни илкис кўтардим. Кўзимнинг олди қоронғилашиб, бир муддат хонани, ундаги буюмларни идрок қилолмай қолдим. Эҳтимол, яна қон босимим пасайиб кетгандир. Пича ўзимга келгач, қоғоз-қаламни йиғишириб, дахлизга ўтдим. Аёлимни чақирдим — қуюқроқ қора чой дамлаб берса яхши бўларди. Кўшни овлаганми, ҳадеганда овози келавермади.

Ховлида гувраниб эсаётган кечки шамол деразаларга қопланган сувқоғозни шопиллатиб ойналарга уради, чоғроқ экинзордаги уюм-уюм хазонларни шопиради. Кўчага қулоқ солдим — на бирон бир қадам товуши, на бир шарпа эшитилади. Бундай рутубатда кўча кезиш кимга ёқади? Даҳлизга қайтиб кираётганимда, ичкари уйда қолган қўл телефонимнинг жиринглагани эшитилди.

— Алў, эшитаман, алў-ў.

У ёқдан ҳеч кимнинг овози келмади, аксинча, ёмғир ёғишиними, кўчага сув сепилишиними эслатувчи сас қулоғимга урилди. Тўртбурчак хонтахта ёнига чўқдим, телефонни елкам билан чап қулоғимга қисганча эшитиб ўтиравердим — нарёғда эса ҳануз шифирлаган сас-садо. «Унга шу иши завқ берармикин?» дея ўйладим. Лекин миямга урилган бошқа бир ўйдан ўзим ҳам алланечук бўлиб кетдим — «Менга-чи, менгаям завқ берадими?!». Рости, унинг бу тахлит йўқлашларига йиллар давомида кўнишиб бўлганман. Буни кундалик эҳтиёж, деса, кулгили бўлар-у, аммо мен унинг бундай қўнғирогини ҳар куни кутаман. Гарчи бир оғиз гапирмаса ҳам.

Газхонага ўтиб чой қўйдим, ширинтаъма бўлиб музлаткични очдим. Нонуштадан қолган беҳили мураббо бор эди, шуни чойга қўшиб ичсамми... Аммо ниятим ўзгарди, мураббони қайтариб жойига қўйиб, хонамга ўтдим, портфелимда бир бўлак шоколад қолганди, шуни еяқолай, дедим. Чой қайнашини кутиб, шоколаддан кичкина-кичкина синдириб оғзимга

соларканман, ташқарига назар солдим. Ёмғир томчилаяпти, бояги рутубат бироз юмшаган, эгри-бугри дараҳтлар, уларнинг остидаги мөғор босган барг-хазонлар, чилп-чилп лой бўлиб қолган тупроқ йўлакчадан худди куй тараалаётгандек — кузнинг эзгин куйи.

Унинг боягина қилган қўнғироғи ёдимга тушди, демак улар тарафда ёмғир ёға бошлаган экан-да. Менга ёмғирнинг овозини илинибди-да. Балки, бу сокин фаслнинг сехрли-сирли қўшигини бирга тингламоқчи бўлгандир? Мен-чи, менинг хаёлимга келган бўлармиди бу фикр? Эҳтимол, бундай эслаш, яхши нарсаларни унга илиниш сира хаёлимга келмаслигини билгани учун ҳам вақтида йўқлагандир, қўнғирофимни кутиб, аммо уни шу тобда эсламаганим учун мендан хафа бўлиб қолмасликка уриниб қилгандир бу ишни? Хуллас, унинг ичи менга қоронҚу, сирлигича қолиб келаяпти.

Ўовлидаги тақир-туқирдан хаёлим йиҚиширилди. Хотиним тарновлар тагига чељак қўяётибди. Унинг ёмғирда қолган ул-бул нарсаларни йиғиб-саранжомлаб даҳлизга киришини кутдим. Бу орада чой қайнади.

— Қаерларда қолдинг?

— Шундоқ ўзим. Сизга халақит қилмай деб янги қўшниникига чиқувдим. Қайтгунимча ёмғир қуйиб юборди.

Аёлимнинг гапидан кейин ҳовлига яна бир қараб олдим. Энди ёмғир шитоблаган, ҳалидан бери қулоғимда айланаётган маҳзун оҳангдан асар ҳам қолмаганди. Ҳамма нарса ёмғирнинг шаштига кўниккандек мўмин-қобилгина бўлиб турибди.

«Чой ичасизми?» сўради хотиним. «Ҳа, дамлаб берақол». Мен унга бош иргаётиб, кўзларини кўриб қолдим. Доимгидек ўйчан ва ҳадикка тўла, хижолат бўлиб кетдим. Мен бу аҳволга кўп бора тушганман, унинг нигоҳларида биргина савол бор — уни ҳам биламан, аммо ана шу саволга жавоб беришни ҳамиша орқага ташлаб келаяпман. Бу менинг «кузнинг куйи»дан-да оғиррок, маъюсрөқ куйим. Бу куй ҳар куни уйимда жаранглайди, уни қулоғим тугул юзим, кўзу қошларим билан ҳам тинглай оламан. Ва мана шу оҳанг сўнгги кунимгача қўлимдан тутиб етаклайдиган

чорлов эканига имон келтирганман. Бу куйнинг ҳар бир пардасига, сокинлигию авжига мутлок тушунаман ва мен бир умрга шу куйга ҳукм қилинганман. Бу — ёлғизлик куйи, бу — кимсасизликнинг ғамгин мусиқаси.

\* \* \*

«Болаларни боғчага ташлаб ўтасизми?». Хотиним кичкина қизимнинг нимчасини кийдираётиб, менга зимдан қараб қўйганини сездим. «Дадаси, шимингизнинг тахи бузилибдими, ўлсин, кеча эътибор қилмабман. Алмаштириб олақолинг».

У менинг бошқатдан ечиниб-кийинишга азалдан ҳафсалам йўқлигини билади, шундай бўлса-да, айтади-қўяди. Бошқаларда қандай — билмадим-у, аммо биз итғажиши бўлиб уришган кунларимиз ҳам салом-аликни, ишга жўнаш олдидан хайр-хўшни канда қилмаймиз. Эҳтимол, шунчаки ўрганишдир, балки ички бир адолатимиз йўл бермас, нима бўлганда ҳам, кечқурун ҳарқанча жанжаллашмайлик, эрталаб, ишга кетиш олдидан худди роботлардек дағал ва ҳиссиз овозда хайрлашамиз. «Яхши бориб келинг». «Ўзинг ҳам».

Лекин бугун ундей эмас, ҳартугур кайфиятимиз яхши. Эр-хотин сухбатлашиб нонушта қилдик, болаларга иссиқ кийим-кечак олиш ҳақида гаплашдик. У менинг қалпоғим, ўзининг этиги бироз ўнгиганини эслатди. Мана энди иш олдидан... ўша гап: «Яхши бориб келинг». «Ўзинг ҳам».

Иккала қизимни машинанинг орқа ўриндиғига ўтиргизиб, камарларни танғидим. Йўлда ҳадеб савол беравермасликларини, фикрим чалғиши мумкинлигини одатдагидек тушунтиридим. Улар бу танбеҳимни эшитавериб ёдлаб олишган, гапим тугамасиданоқ, «хўп бўлади, хўп бўлади», дея машинани тезроқ юргизишмни қутишади.

Жиблажибонларимни боғча опасига топшириб, машинага бензин қуиб, ишхонага ўн беш дақиқа кечикиб келдим. Кабинетим эшигига калит солишим билан котиба қиз юргургилаб келиб, бироз олдин мени директор йўқлаганини айтди. «Яхши, ҳозир», дедим-у, кабинетга кириб ёмғирпўшимни

қозиққа илдим. Хона совуқ, ҳали қишки иситиш тизими уланмаган, чироқни ёқсам ҳам ташқаридаги булатли ҳавонинг таъсирида ичкари унчалик ёришмади. «Нима гапи бор экан директорнинг?», котибанинг эслатмасини ўйлай бошладим. «Тунов кунги гап тағин қўзғалармикан? Ахир кап-катта раҳбар бўлса, бу ишни нима учун ўзи ҳал қилиб қўя қолмаяпти, нега ҳадеб менинг фикримни билишга қизиқаяпти? Хўп, ўша йигитга ёрдам бериш керак экан, берсин. Кўлёzmанинг пешанасига гажақдор имзосини қўйиб берса, бўлди, вассалом». Шу хаёллар билан хонадан чиқаётгандим, қўққисдан эшигим очилди — «Кофе қайнатаётувдим, сизга ҳам олиб кирайми?», сўради қўшни хонада ишлайдиган янги ходима. «Яхши бўларди, раҳмат. Бокалим ювилган».

Директор одатдагидан кўра яхшироқ кайфиятда эди, салом-алиги ҳам куюкроқ бўлди, ҳатто телевизорнинг овозини пастратаётуб «Сизга шовқин ёқмаслигини биламиз, оғайни», деб қўйди. Доимо шундай, у мени ҳамиша «оғайни» деб чақиради, эҳтимол унга шу қулайроқдир. Инсоф билан айтганда, у яхши одам, ғамхўр раҳбар, аммо бир нарса — пулни отасидан ҳам азиз кўриши унинг афт-ангorigа ҳам уриб кетган. Чувак юзида ҳамиша совуққонлик туради, ҳадеганда кулавермайди.

— Оғайни, яна ўша гап. Эҳтимол, бир-икки кун ичида фикрингиз ўзгаргандир. Ўша йигитни бир қўллаворсак, шу билан изига тушиб кетар?

Директор бу гапларни кўзимга қарамай сўзлади, чеҳрасида ғалати ифодалар ўзгариб туради. Хижолат чекаяпти деб ўйлаганим учун у гапини якунлаб, савол назари билан қараши ҳамоно мен ҳам кўзимни олиб қочдим. Лекин бу масалани яначувалашган ҳолда қолдириш керак эмас, ё директор, ё мен тезроқ ён беришимиз керак эди.

— Мўмин ака, сизга ўша куни ҳам айтдим, — иложи борича хотиржам гапиришга уриндим мен, — дейлик, ўша йигитнинг китобига қўл қўйиб берайлик, босишга топширайлик ҳам. Лекин бундан кимга фойда? Туппатузук жойда ишларкан, топиш-тутиши ҳам ёмонга ўхшамайди, нима қилади ўзининг ҳам, бизнинг ҳам бошимизни қотириб? Эртага китоби ялтири-юлтири

муқовада нашр қилинади, пештахталарга чиройли қилиб териб қўйилади, бироқ бу асарни бирор кўлига олиб қарайдими-йўқми, буёғи сизга ҳам қоронғу.

Директор авзойини ўзгартирмади, фақат юзимга тикилганча бир алпозда тураверди. Мен қизишиб кетиб унинг қўнглига тегадиган гап гапириб қўймадимми, деб ўзимни таҳлил қила бошладим. Лекин ичимдагини айтганимдан ёнгил тортган эдим, ана, столим устида дуппа-дуруст бир асар мана шу директорнинг рухсатини кутиб ётибди, ўзим неча бор шу хонага кўтариб кириб, бир-биридан ғалати баҳоналарни эшишиб чиқсанман. Ахир одамлар нимани ўқишни яхши билади, биз зўрлаб тиқиширилмаймиз.

Директор сокин овозда мурожаат қилди:

— Энди мундок, оғайнини, гапнинг пўсткаласини айтсан, у бизга керакли одам. Ҳмм, нима демоқчиман, мен аслида бир оғиз гап билан бир ойга қолдирмай чиқариб берардим ўша китобни. Лекин гап бошқа ёқда, биз гаплашаётган йигитнинг ниятигина мени ушлаб турибди. Ўша укамиз биринчи китобига айнан сиз муҳаррир бўлиб беришингизни истаяпти. Энди тушунгандирсиз нега сизнинг оғзингизни пойлаётганимни?

Донг қотиб қолдим, унинг охирги гаплари мен учун тамоман ҳайратланарли эди. Ахир азбаройи асарнинг савиясизлиги учун ҳам унинг чоп қилинишига қарши эдим, нашриётнинг обрўйини йўқотмаслик учун раҳбарнинг таклифидан бўйин товлаётгандим-ку. Қандай қилиб ўзинг хомхатала, бир пулга қиммат деб турган қўлёзмага муҳаррирлик қилиш мумкин? Фикрларимни жамлаб, директорга юзландим.

— Сиз айтаётган ўша «насиҳатнома»га муҳаррирлик қилишдан кўра, уни бошқатдан ёзиш осонроқ. Бир жумлани тўғри ёзолмайдиган савдогардан нега ёзувчи ясаяпмиз?! Ёзганлари, кечирасиз-у, мактабда ёзиладиган иншодан ҳам баттар!

Мен энди анчайин қизишиб кетгандим. Кўлларим титрай бошлаган, қулоқларимгача қизиб кетганди. Аммо раҳбарим ҳеч бир ўзгаришсиз, қўзларини менга қадаганча ўтираверди. Тавба, нега у миқ этмай эшишиб

турибди, бошқа одам бўлса, мени қуюшқондан чиққанлиқда айбларди, ҳеч бўлмагандага ҳурматини пеш қиласади. Директор эса, биз худди яхши гаплардан гаплашаётгандек ним табассум билан пинагини ҳам бузмасди. Балки шунаقا босиклиги учун ҳам раҳбар бўлиб ўтиргандир, бу фазилатига қойил қолиш керак.

Унинг олдида ўзимни нокулай сезиб, «Менга рухсат» дея қўзғалдим, ушбу гапим билан бу мавзудаги сұхбатимиз ҳам тамом бўлганини билдиromoқчи эдим. Директор мени эшик олдигача кузатди ва «Сизнинг истеъдодингизни жуда қадрлайман, сиз яхши ижодкорсиз. Аммо билиб қўйинг, ўша китоб барибир нашр этилади», деди.

\* \* \*

Мен одамлардаги истак-майллар нега бу қадар хўрланиши ҳақида жуда кўп бош қотираман, уларнинг хис-туйғулари нималар эвазига бой берилишини, нега инсон боласи кўзлаган мақсадларига эришгани сайин дағаллашиб, қалби хира тортиб боришини тахлил қилишга уринаман. Юракларни кўринмас ип сингари боғлаб-чирмаб турган ришталар, покиза ҳаяжонлар, ҳайратлар нега бунчалик жонсизланиб бораётганини ҳеч тушунолмайман. Энг аянчлиси, улар шу тахлит ҳаётни тобора афзал кўришаётгандек туюлади менга. Ҳар куни уйдан ишга, ишдан уйга бир маромда келиб-кетувчи одамлар ташқаридан қараганда жуда тартибли, сипо кўринишади. Бунинг устига, ҳар бир сўзни чертиб, орқа-ўнгига қараб гапирадилар. Фаслларнинг алмashiши, майсалар униши, хазон тўкилиши, бундай нарсалар аллақачон уларнинг эътиборидан четда қолган. Ҳеч ким минглаб машиналар остида эзилиб ётган асфальт йўлларнинг ёмғир ёғаётгандага ажойиб бир рангга киришини қузатмайди. Бу жозиб манзарапарга бир фурсатгина вақт ажратган одам ўзини ҳаётдан орқада қолган, чорасиз ва мискин сезади. Ва, алал-оқибат, вақт билан чопиша-чопиша кунларни, йилларни қурбон қилиб юборишади.

Нега буларни ўйлаяпман, ўзим ҳам ҳайронман.

Шом қоронғусида машинамни шаҳар четидаги «Пикко» кафеси олдида тұхтатдим. Ичкарига кираётиб бир қути тамаки сотиб олдим, шу пайт бейхтиёр эътибор қилибман — дўкон дарчасидан тушаётган ёғуда қор учқунлаяпти. Бу қанақаси бўлди, ҳали эрта эди-ку, ҳаво ҳам унчалик совуқ эмас. Бугун тўққизинчими, тавба, ҳали қишига бир ойча вақт бор, бу йил совуқ қаттиқ бўларкан-да.

Столга ўтиришим билан хизматчи қиз етиб келди. У жойлашиб олишимни кутиб, сўнгра одоб билан сўради:

- Нима ичасиз?
- Шафтоли шарбати, қуюқроқ бўлсин.
- А, юз грамни-чи, кейинроқми?

Нима дейишни билмай қолдим, ҳозир «Мен ичмайман» десам кулгили бўлса керак-а! Шундай расо эркак ичмайман деса, ишонишармикан, эҳтимол «Шарбатингни уйингга бориб ичсанг ҳам бўлади», деган хаёл ўтар бу қизларнинг бошидан.

- Мен ичмайман, — дедим ниҳоят.

Хизматчи қиз табассум билан «Яна нима буюрасиз?» дея сўради. Мен икки хил овқат айтдим, нарироққа борганда эса кулдонни ҳам тайинладим. Қиз кетгач, унинг табассуми ҳақида ўйлай бошладим. Бундай жилмайиш уларга одатмикан ёки истеҳзо қилдими, балки ичмаслигимни эшитиб кувонгандир ҳам. Қизиқ, одамнинг ҳатто кулгисини ҳам тўлалигича тушуниб бўлмайди. Ахир ҳеч жаҳонда кулаётган инсон «Мен шу сабаб билан куляяпман», демайди-ку. Қайтиб келганда ўзидан сўраб кўрайми? Нима дерди — шунчаки ўзим, дейди-кўяди-да, қўшимчасига энсасини қотиради. Айтаяпман-ку, кулган одам шу-шу сабабдан куляяпман, деб шарҳлаб ўтирмайди.

Атрофимни кузата бошладим, кимлар кулган, кимлар бошини бошига тираб гаплашиб ўтирибди, яна ким иштаҳа билан овқатланяпти. Кафенинг хилватроқ бурчакларида ёшлар. Мана сенга шунча сабаб. Шу чоққина бино ичидаги қанча қайғу, қанча соғинч, муаммолар, шодликлар, эҳтиросли

сұхбатлар. Хүш, мен ўзим нима учун бу ерга келдім, тамадди қилганими — уйда овқатлансан ҳам бўларди, қолаверса, ҳар куни бу ерга келиб нонушта ёки кечлик қилаётган жойим йўқ. Нега иш тугаши билан уйга кетмадим? Дам олишим, қизалоқларим билан ўйнашим ёки бир-иккита китоб титишим мумкин эди-ку. Хўш, нега? Чунки мен қандайдир туйғу — ёлғиз қолишгами, бирор нарсани хотиржам ўйлаб олишгами ўхшаш, хуллас, уйдан ҳам, ишхонадан ҳам топиб бўлмайдиган таскин излаб келганман бу ерга. Бу ерда одам қўп, аммо шунга қарамай, сен бемалол ёлғиз, кишилар эътиборидан холи қолишинг мумкин. Кафеда ўтирганларнинг аксарияти ҳам аслида шу сингари сабаблар билан келишган.

Овқатни еб бўлиб, графиндаги охирги шарбатни қуяётганимда телефоним жиринглади, қулоғимга тутдим. У томонда шу қадар жимлик эдики, беихтиёр энтикиб кетдим. Унинг қулоғига қандай шовқин-сурон бораётганини ҳис қилиб, хижолат чекдим. Балки у уйимдаги осуда ҳаётни, қақажонларимнинг тўс-тўполонини, ё жимгина китоб ва рақлаб ўтирганимни эшитаман, деб ўйлагандир. Нархлар ёзилган қоғоз ва пулни хизматчи қизга имо билан кўрсатдим-да, ташқарига шошдим. Телефонда эса, ҳамон жимлик. Аммо машинамга ўтириб, эшикни ёпишим биланоқ, аппаратдан қисқа-қисқа гудок кела бошлади — у машинага ўтирганимга ишонч ҳосил қилганди. Бу орада дараҳт шохларини, йўл четлари ва тунука томларни юпқа ва нафис қор қоплаб улгурганди.

\* \* \*

Автомобиллар ғилдираги қолдираётган излардан мен ҳам ўтиб борарканман, тағин одамлар, турмушнинг ғимир-ғимирлари орасида мана бу асфалът йўл устида бир сониягина аввал борлиги энди эсдан чиқаётган қор парчаларидек изсиз йўқолаётган минглаб ҳис-тугёнлар ҳақида ўйлай бошладим. Бу хил мулоҳазалар ўзимга бетайин, тутуриқсиз туюлаётган бўлса-да, аммо кўнглимнинг аллақаеригадир хуш ёқаётганди. Балки, чиндан ҳам нималарнидир ўйлашга эҳтиёжим бордир. Мана шу сон-саноқсиз, бир-

бира ни кесиб-узиб ташлаган излардан минглаб машиналар ўтган, хўш, улар қаёқка кетади? Ўзимни олай, ҳозир уйга, эртага яна шу йўлдан ишга қайтаман. Нега энди хаёлимга келган заҳоти рулни хоҳлаган бир кўчага буриб юборолмайман. Мени нима ушлаб-жиловлаб туради? Оиласма садоқатми, ишхонамга ҳурматми, миллионлаб одамлар назаридағи тартибли ҳаётга муносиб бўлишликми — нима? Тасаввур қиласман, ҳозир уйга эмас, дуч келган бирор ёққа, масалан, дарё бўйигами бориб, совукда дилдираб ўтирсам, аммо шунинг эвазига тип-тиник осмонни, ойни, изғирин кўчаларни томоша қилсан, эртага нима ўзгаради? Бирор киши бундан зиён-заҳмат чекадими? Хотиним ва болаларим хавотир олиши мумкин, туни билан мижжа қоқмай чиқади, бироқ эртасига мени соғ-омон кўргач, ўша заҳотиёқ кечаги хавотирларни унутади, яна ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Лекин мен шу нарсани билган ҳолда, рулни ҳеч қачон, ҳатто бир марта бўлса ҳам манзили номаълум йўлга бура олмайман. Бошқалар эса эҳтимол бу ҳакда ўйлаб ҳам кўришмас. Чунки бу тахлит «эркинлик»нинг оқибатини ўзгалардан эшишишган, вақтни бундай совуришга уларнинг кўзи қиймайди, уйида ағанааб ётса-ётадики, бундай дайдишларга ҳуши келмайди.

Дарвоқе, қор анча тезлашибди, энди қанча машина ўтмасин, йўлни шиддат билан қоплаб бораяпти. Лекин менга қор унчалик ёқмайди. Ёмғирнинг йўриғи бошқа — у инсон кўнгли билан ҳисоблашади, соchlарингиз орасига, бўйин ва билакларингизга эркаланиб сингади, ёғиши ҳам чиройли, шаффоф томчилар кўзингизга кўриниб-кўринмай, худди осмондан ерга тортилган миллионлаб иплар бўйлаб оқаётгандек, ажиб сукунат билан ёғади. Ёмғирнинг яна бир муҳим томони шундаки, у ҳар қанча ёғмасин, нигоҳимиз тушиб турган бирор рангни кўмиб юборишга уринмайди, аксинча, аслиятни янада равшанроқ кўрсатади. Қор эса, қип-қизил, ям-яшил тунука томларни ҳам, қўнғир йўлларни ҳам, қоп-қора тоғларни ҳам фақат оққа бўйади. Ахир одам деганинг кўзи тиниб кетади-ку! Ерни ҳам, кўкни ҳам, одамлару машиналарни ҳам фақат бир рангда кўриш, бу — адолатсизлик эмасми?!

Менинг бу фикрларимни у ҳамиша оддийгина, гүё бирор ёқтирган мусиқасини тинглаётган одамдек хотиржам қабул қиласди, балки бу тентакнамо гапларимга қарши бўлса ҳам, индамай қўя қолармиди? Ёки айнан шу нарсаларга нисбатан ўз қарашларининг пинҳон-сирлигича қолишини истармиди, ҳарқалай, доимо жимгина тингларди, холос. Чамамда, уни бошқа нарсалар қизиқтирареди. Масалан, одамзоднинг ўзини ўзи хурмат қилишими, касал-кусал бўлмай, ҳамма нарсани ўрни-ўрнида, ўз вақтида бажаришими, шунга ўхшаш нарсаларни кўп гапиради. Эсимда, бир қуни поликлиникага борганимни айтиб қўйдим. Мен ҳар қанча тўсқинлик қилмай, у касаллик варакасини, буюрилган дори-дармонларни, яна алламбало майдада-чуйда қоғозларни шоша-пиша, аммо синчиклаб ўқиб чиқди. Сўнг хавотирли кўзларини юзимга қадаб, яхшигина шамоллаганимни айтди. Очиги, кулиб юбордим, тўғри-да, нимаси хавотирли бунинг. Шамоллаганлар камми?

Энди ўйласам, айнан унинг ҳадигу хавотирлари сабаб мен ўзимга ишониб юрар эканман. Атрофингизда сизга меҳрибон одам қанча кўп бўлса, сиз шунча талтаясиз, эркаликлар қилгингиз келади, мана буни е, мана буни ич, дейдиган одам бўлса, сиз айнан ўша кишига нисбатан ноз-фироқ қиласиз. Нега биз кўчада, ишхонада ёки меҳмондорчиликда ўзимизни сипо, бамаъни тутамиз-у, уйимизда сал нарсага бақир-чақир қиласидиган, жizzаки, ҳовлиқма бўлиб қоламиз? Етти ёт аёлларнинг ҳурматини жойига қўйиб олқиши оламиз-у, онамизни силтаб-силтаб ташлаймиз. Ишхонада бирор сабаб билан тушлик бир-икки соатга чўзилса чидаймиз-у, чойи вақтида қайнамагани учун уйдагиларни гизиллатамиз. Бу одамликка хос тушунчалар, одатларми — нима бу?

Аслида, унинг меҳрибончиликлари ҳам мени алал-оқибат такаббурликка олиб бораётганди. Ва борган сари димоғдорлик мени маҳф этарди. Энди мен унинг ғамхўрликларидан азобланётганим учун ҳам айнан унга нисбатан кибр сақлардим, худди ўзимни бекаму-кўст одамдек тутишга тиришардим.

Тонгда ҳовлига чиққанимда, ҳаво тозарган, аммо анчайин намчил-намхуш эди. Мен билган кузнинг куйига яна бир оҳанг қўшилган — «чакчик, чак-чик» қилаётган бир маромдаги овозлар қулоқ-қулоқларгача сингиб, асабларни пармалашга атайлаб уринаётгандек, бутун ҳовлини тутиб кетганди. Кеча оқшом бошланган илк қор ернинг, ҳали чиримаган хазонларнинг тафтига дош беролмай эриётганди, қор эрияпти-ю деворлар, йўлаклар устидан, дарахтларнинг шир яланғоч шохларидан ҳовур кўтарилаяпти. Худди уйнинг ҳамма бурчагида митти-митти вулқонлар бору, ўшалар биқирлаб қайнаб ётгандек. Тамаки тутатдим, ичимга тутун билан муздек ҳаво ҳам тортдим, бадан-баданим сесканиб кетди. Шу алпозда, шу эзгинликда ўйга толдим. Тўғриси, табиатни кузата туриб, ташқи қиёфалар гўзаллиги ёки бунинг акси ҳақида тасаввур қила бошладим. Нега биз кўхлик, кўркам қизларга қайта-қайта қараймиз. Уларнинг жозибаси нимада, нимаси маҳлиё қиласи бизни? «Чиройли экан», деймиз, нимасига қараб баҳо берамиз? «Мутаносиблиқ» деган сўз келди хаёлимга. Рост-да, кўзу қоши, ранги-ю қомати, юзи-ю сочи бир-бирига уйғун қиёфалар кўзимизни олар, эҳтимол. Шу уйғунликни ўзимиз ҳам бузгимиз келмайди, дейлик бирорта чиройли қиз ҳақида ўйлаганимизда уни ножӯя, хунук ишлар қилиб турганини, масалан, тупураётганинimi, бетамизларча қичқираётганинimi хаёл қилишдан ҳарчанд тийиламиз, бундай хаёлдан ўзимизни олиб қочгимиз келади. Аксинча, истарасиз ва ахлоқсиз аёлларга боғлиқ ёқимли таассуртларимиз ҳам унчалик кўп эмас. Агар бирор эркакшода, нафосатдан узоқ қиз ҳақида гапираётиб, унинг назокат билан музқаймоқ ейишиними, гулзорларда сайр қилиб юришиними айтсақ, аксарият одамларнинг афти буришади. Чунки уларнинг кўнгли бундай тескари тасавурларга тайёр бўлмайди, кўп ҳолларда буни хоҳлашмайди ҳам.

Ҳозирги манзара ҳам шундай тескари тасаввур уйғотарди кишида. Осмонга қарасанг, кўм-кўк ялангликда парча-парча булут қийқимлари, күёшнинг кучсиз нурлари ерга осойишта оқиб турибди. Ерда эса... уюм-уюм

қорайган хазонлар, мунгайган уйлар, қўнжигача лойга ботган оёқ кийимлари, хуллас шунаقا чалкашликлар. Йўқ, булар ҳеч қандай чалкашлик эмас, аслида қандай бўлиши керак бўлса, шундай алпозда турити. Фақат менинг кўзларим бу акс манзараларга кўнига олмаётган бўлиши мумкин. Кўрдингми, дейман ўзимга ўзим, осмонга, оёғинг остидаги ерга бир лаҳза тикилиб, шунча изтироб чекаяпсан. Бошқалар ҳам ўзларини худди шундай ортиқ қийнамаслик учун бунаقا нарсалардан, ўй-хаёллардан кўз юмиб-кулоқ ёпиб ўтишади, вассалом. Уларнинг наздида, сенинг бу каби ҳамма нарсадан азият чекишинг бемаънилик, жиннилиқдан бўлак нарса эмас! Бунинг ўрнига улар уйларига печка қуришади, ўтин ғамлашади, тешик-туйнукларни беркитишади ва шу тахлит тадбир-тадориклар билан ҳар қандай фаслни, ҳар қандай қулай-ноқулай шароитларни ҳам хотиржам, ортиқча ҳиссиётларга берилмай, баъзан эса беписандлик билан кутиб олаверишади.

Аслида, менинг энг катта йўқотишим ҳам мана шундай изтиробдан қочиши эвазига юз берганди, унинг кўзларига бир лаҳза бўлсин қараш, денгиз сатҳидаги улкан бир кемадек чайқалиб-тўлқинланиб ётган қалбидаги ҳар битта титраш-силкинишни тинглаш, тушуниш азобидан қўркиш мени ундан узоқлаштирганди. Кузги япроқлардек омонат, мажолсиз ва сокин муҳаббатининг юки эзиб қўйганди, кўзларидаги тубсиз-ниҳоясиз умид, илинжнинг оғирлиги менинг бечоралигимни тобора юзага олиб чиқарди. Аммо мен, ана шу юк-захматлар орасида янчилиб-топталиб кетаётганимга қарамай, улғаяётган эдим, унинг муҳаббати улғайтираётганди. Мен қанча қочганим, ўзимни ожиз сезганим сари бу чеки-чегараси йўқ қочқинларнинг, чорасизликларнинг моҳиятини англашга маҳкум бўлиб борардим. Унинг севгиси шу қадар шафқатсиз эдики, мени бир сония, бир нафас бўлсин аямасди, таъқиб қилишдан чарчамасди қам. Муҳаббат менинг икки елкамдан тутиб, шундай қаттиқ силкирдики, иложсиз равища қайтадан ўнгланишга, унинг бир нафасидан пардек тўзғиб кетган борлигимни янгитдан тиклашга мажбур бўлардим. У шундай шафқатсиз севги эдики, менинг ҳар бир сўзим унинг учун қонун билан баробар эди, у фақат менинг борлигимни тан оларди

холос ва шу йўл билан, яъни мени камситмасликка уриниб азобларди. Бу худди совуқда музлаётган одамни иситаман деб гуриллаб ёнаётган оловга отишдек гап эди. Бу — минг-минглаб хужайраларингни, томирларингни, сезгиларингни дўзахдан дўзахга солиб ўйнашдир. Мен бу адоқсиз хўрланишларга ҳукм қилинган, унинг сассиз-садосиз, маъсум ва сокин муҳаббати эса, шубҳасиз, ҳукмфармо эди. Мен уни ҳамиша қучгим, бағримга маҳкам босиб, бераётган укубатлари учун ўч олгим, қучоғимда туриб қандай йиғлашини хузур билан томоша қилгим келарди. Бироқ бу ишларим унинг кўнглига қандай янги тўфонлар солишини яхши ангардим, бу ўч-оловдан кейин ҳозирги азобу кўргиликларим ўн чандон, юз чандон ортишини ўйлаб, яна қуниш тортардим. Менинг ҳатто шунга ҳам имконим етмасди.

## 2

Агар куз ижозат берганида, уни бундай ғуссали куйларга эмас, шодумон, инсон кўнглига барча томирларидан оқиб киувчи, агар бир кун тингламаса, дунёдаги жамики қалблар илҳақ-интизор бўлиб кутгувчи қувонч оҳангларига тўлдириб ташлаган бўлардим. Аммо хазонлар фасли оламнинг кўхна қоидаларидан чекинмади, Тангри ва Замин ўртасидаги азалий меҳвардан бир лаҳзага бўлса ҳам узила олмади. Мен эса, бутун борлиғим билан қайтадан яралгандек бўлдим, ҳеч нарса кўрмагандек, ҳеч қайси ҳиссиётларни танимаган-бilmagандек янгитдан яшай бошладим. Ва шундай уни йўқотдим, ва шундай одамлар кўз ўнгида аста-секин йўқола бошладим. Энди мени аввалги дунёим билан фақат биргина қўнғироқ боғлаб қолди, ана шу қўнғироқдан бошқа ҳаммаси мен учун тамомила янгилик эди.

Аммо бу янги ҳаётимда ўзимни ҳеч кимга тушунтира олмадим. Оилам учун ўша-ўша оғир феъл-атворли, кўча-кўйда эса такаббур қиёфали одам сифатида қолавердим. Аянчлиси, бирор кишига бўлсин, «Мен аслида мана бундай одамман», дея ўзимни изоҳлай олмадим. Энди, агар ишхонада бирор ҳамкасбимнинг сўзи кўнглимга оғир ботса, уни олдимга ўтиргизиб, керак бўлса соатлаб гаплашишни, уни ҳам, ўзимни ҳам виждан азобидан

кутқаришни ўйлайман. Бироқ бу қўлимдан келмайди, аксинча, ё ичимга ютиб индамай кетаман, ё унинг ҳам дилини оғритаман. Ёки кўча-кўйда бирор нотаниш одамнинг нега изтироб чекаётганинг, нимадан қийналаётганинг сабабини билгим келади, мен унинг ҳаётига ўзимни жавобгар ёки тегишли деб ҳис этаман. Бироқ ҳеч қачон у билан гаплашмайман, аксинча, ўша одамнинг қаршисида жуда ҳам ортиқча сезаман ўзимни. Минг афсуски, бу тахлит ечимларнинг ҳаммаси иродамнинг кучсизлигини намоён қилиб қўяди. Мен энди аввалги қиёфамдан ҳам баттарроқ шамойилда эдим, тобора ўзимга ўзим кўмилиб-ўралиб борардим. Ундан, унинг меҳридан воз кечган кунимдан эътиборан шаклсиз ҳаётнинг оддий — минглаб одамлар қаторидаги жўн кишисига айлангандим. Бу менинг чинакам фожиам бўлди.

Бўйинбоғимни тақаётиб, хотинимнинг саволомуз нигоҳи эътиборимни жалб этди. У қўлида тутиб турган костюмни олиб, диван четига омонат қўйдим-да, дилимдан кечётган ажиб туйғулар билан хотинимни бағримга тортдим. Сочларидан силаб, илк бор рўйи-рост нигоҳ билан кўзларига тикилдим. Мен бугун аёлимнинг кўнглидан ўтаётган барча ҳисларни, андуҳлар овозинию норизоликлар нидосини тингламоқчиман, қўлларидаги дағалликлар, юзидаги ҳорғинлик, вужудининг ич-ичларида яшаб келаётган, қачондир улкан ва қўрқинчли вулқондек портлаб чиқувчи аламларининг акс садосига жимгина, хайрихоҳлик ва мойиллик билан қулоқ тутмоқчиман. Ва, эҳтимолки, менинг ҳаётимдаги чигалликлар, руҳимдаги сиқиқлик, гуррос-гуррос оломон орасида ҳам ёлғиз-кимсасиз умр кечираётганимнинг сабабларини у билар.

«Ақалли бир марта бўлса ҳам тан олиб айтинг, сиз ҳаётдан бунчалик куюниб яшашингизнинг боиси нимада? Нега одамлар нигоҳидан узоқ бўлишга уринасиз? Аслида, уларни ўз ғам-ташвишингиздан ҳимоя қилгингиз, яқинларингизнинг кўнглига бевақт хавотир солиб қўймасликка тиришасиз. Лекин шу ишингизнинг ўзиёқ жигарларингизни ташвишга солади. Эслаб қўринг, қачон ота-онангиз билан ёзилиб, чин дилдан

гаплашгансиз? Қачон опангиз ёки акангиз қаршисида қимтинымай дардлашгансиз? Бирон жойингиз оғриётганини улар қачон ўз тилингиздан эшишишган? Бу билан гүёки уларни бемаврид сиқилишлардан, сизни деб хавотир олишларидан асрагандек бўласиз. Ўзингизни улар қаршисида бекаму кўст, бой-бадавлат, хотиржам тутишга уринасиз. Яқинларингиз учун худди тоғдек суюнч эканингизни уқтирасиз. Аммо сиз кетишингиз биланоқ ўзингиз ҳамиша ҳадиксираб юрадиган, юз беришидан чўчиб яшайдиган воқеалар бўй кўрсатади. Яъни сизнинг ортингиздан яқинларингиз доимо юраги хижил бўлиб қолади. На бирор дардингиз, на бирор ташвишингиздан хабардор бўла олмай, айни пайтда, сизга ёрдам беролмасликларини ўйлаб, адойи тамом бўлишади. Сиз эса ҳамиша ўзингиздан қочасиз. Ишдан келиб наридан-бери овқатланасиз, қизларингизнинг раъйига қараб, улар билан пича ўйнаган бўласиз, китоб варақлайсиз, аммо буларнинг бирортаси ҳам сизнинг ботинингиздаги бесаранжомлик, алағдалик, паришонликнинг юзига парда тўса олмайди. Ва, аксинча, бу қийноқлар, ичингиздаги иккиланишлар заҳар-заққумдек сизни емириб бораяпти».

Бу хотиним айтган айни ҳақиқатлар эди. У шу қадар ишонч билан гапирадики, мен то хотинимнинг гапи тугамагунча ўзимни оқлашга ҳам, уни тўхтатишга ҳам интилмадим, ҳеч нарса дея олмадим. Негадир унинг бу аччиқ ҳақиқатлари юрагимнинг туб-тубларига сингиб, ҳузур бағишлаётганди. Сўнг эса уни яна ҳам қаттиқроқ бағримга босиб, имкон қадар кўзларимни яширишга уриндим.

\* \* \*

Машинамни гараждан олиб чиқмадим — бугун ишхонагача бўлган ўн чақиримча йўлни пиёда босиб ўтмоқчиман. Худди машхур китобларда ёзилганидек, мана шу йўл давомида ўзимни ўзим бир англаб кўрмоқчиман, қариyb ўн йилдан буён илмилиқ кечаётган умримнинг барча сўқмоқларини хаёлан кезиб чиқмоқчиман. Лекин, ҳалитдан қўрқаяпманки, бунга менинг куч-мадорим етмайди. Чунки, ўтмишга қайтиш мен учун ҳазил гап эмас,

қачонки чексиз сабот билан, эслаганларимнинг бирортаси мени тушкунликка туширмайди, деган хulosага кела олсамгина, бу ишга қўл урганим яхши. Бироқ, бугун шунга жазм қилдим.

Кўчада ҳамишадагидек қаерларгадир кетаётган йўловчилар. Ўзимнинг кўчамдан то катта йўлга чиққунимча бир-икки таниш одам бош силкиб ўтди, лекин сезиб турибманки, улар саломлашиб ўтибоқ ортига қайрилаяпти — нега машинасиз йўлга чиққаним уларга қизик туюляпти, Уларга эътибор бермай, ўз хаёлларим билан банд бўлишга уринаман, пальтомнинг ёқасини кўтарганча лойгарчиликдан исқирт кўринишга келиб қолган йўлкаларга тикилиб бораман.

Ҳаёт мен ўйлаганчалик осон кечмаслигини ўшанда, унинг мендаги чида бўлмас тушкунликни инкор этувчи, кучининг борича сочимдан тирноғимгача силтаб-қоқиб, ҳамма қатори оддий ҳаётга қайтаришга ундовчи сўзларини тинглаганимда илк бор тушунган эдим. Ҳаёлотимнинг ҳамма нуктасини бир-бир кўздан кечириб, кечинмаларим ва орзу-истакларимни бор-йўғи икки оғиз гап билан чиппакка чиқаргунча бўлган ҳаёт — менинг ҳаётим бўлмай қолди. У мени шундай инкор қилдики, на ўзим, на орзу-майлларимнинг бирор нарсага арзишини англааб етдим. Унинг қаршисида тамаки тутатиб турарканман, ҳатто ана шу сигарет чекишимда ҳам кибр борлигини ҳис қилдим. «Сиз кучсиз одамсиз, — деганди ўшанда у, — на ўзингизни, на ҳаётингизни идора қила биласиз. Бир нарсани тушунинг, бу ҳаёт сизнинг қурбон қилаётган умрингизга, ўзлигингиздан кечиб топаётган нималарингизгадир арзимайди. Атрофга имкон борича оддий одам бўлиб қаранг, бу боришингизда ҳамма яқинларингиз сизни ташлаб кетади».

Бу гапларнинг тўғрилигига биринчи бор унингсиз қолган кунимда иқрор бўлгандим. Ва ўшандан бери шу беаёв иқрор билан ҳар қуни юзма-юз бўламан. Менинг ақлга сифмас такаббурлигим, кўтариб бўлмас инжиқликларим алал-оқибат, у айтгандек, бирин-кетин кўп ришталарни чирт-чирт узиб ташлади. Кейинроқ билдимки, инсон ҳар қанча яхши бўлмасин, агар ундан зерикишса, аяб ўтирмайдилар. Чунки у одамнинг

атрофдагиларни қизиқтирадиган ҳеч нарсаси қолмайди. Унинг борлиги ҳам, яшаётгани ҳам изсиз-нишонсиз бўлиб қолади. У энди худди осмондан тушиб қолгандек ҳис қиласи ўзини, чунки у ҳамма жойда инкор этилади. Бошқаларни менсимагани, ўз қаторида кўрмагани, инсонийлик андозаларидан четга чиқиб кетгани учун у тан олинмайди. Бу — ҳаёт ҳаёт бўлибдики, амал қилиб келинаётган буюк қоида.

Эрталаб аёлим айтган эътиrozлар ҳам шу қоиданинг бир кўриниши эканини бехос англаб қолдим. Мен боя зерикиш ҳақида ўйладим, мана энди хотиним ҳам секин-секин ўша жараёнга етиб келаяпти, бугун кўнглимга тегмайдиган қилиб гапирган бўлса, эртага энсаси қотиб сўзлайди ва учинчи куни гапириш фойдасиз эканини фаҳмлагач, у мени бутунлай эътиборсиз қолдиради. Ва, афсуски, агар шундай давом этсан, ҳаётнинг бояги ёқимсиз ва қатъий қоидасига бош эгишимга тўғри келади.

Чорраҳани кесиб ўтаётганимда, телефоним жиринглади, юрагим ҳапқириб кетди. Худди менинг ичимдан ўтаётган туйгуларни билиб тургандек қилинган қўнғироқ эди бу. Йўлакчага ўтиб яшил тугмачани босдим, у ёқда жим-житлик. Мен йигирма қадамлар юриб боргунимча, оёқ товушларимни тинглаб турди, кейин қисқа-қисқа гудок. Ё алҳазар, бунинг боиси нимада, у қандай қилиб сезаяпти, бутун йўл бўйи ўйлаб келаётган кечинмаларим унинг қўнглига қандай етиб бораяпти. Эҳтимол, у нонуштадан кейин хотиним билан бўлган сухбатдан ҳам хабари бордир. Нега у ҳамиша тушкунликка тушган, икки ўт орасида қолган кезларимда йўқлади, у шу йўл билан мени юпатмоқчи, ўзи айтган теп-текис ҳаётга қайтармоқчи бўладими? Лекин бу ҳолатимни қаёқдан билади?

Ишхонага кириб келганимда ҳамма нарса ўрни-ўрнида, ходимлар ўз ишларини бошламоқда эдилар. «Тузукмисиз?», дея сўради менга биринчи дуч келган котиба қиз ранги-рўйимга эътибор қилиб. Мен унга бош ирғаб жилмайдим-да, шу билан «Ҳаммаси жойида», дегандек бўлдим. «Хонангизга киргандик», деди у авзойимни чамалашга уриниб, «У киши айтгандилар». Котиба бош бармоғи билан раҳбарнинг хонасига ишора қилди. Мен елка

қисиб, кабинетимга кирдим. Одатдагидек, бугунги режадаги ишларимни ажратар эканман, раҳбар тиқилинч қилаётган йигитнинг қўлёзма жилди йўқлиги эътиборимни тортди. Айланма курсига чўкиб, бу жилд нега, нима сабабдан олинганини тахмин қила бошладим, балки қайтариб берилгандир ёки Мўмин ака унинг айтганини қилмаслигимга кўзи етиб, ҳафсаласи пир бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, ўша жилднинг столим устидан кетгани мени анча енгил тортириди. Тамаки тутатаётиб, беихтиёр бошқа қоғозларга ҳам разм солдим, қолганлари жойида эди.

\* \* \*

Тушга яқин ҳаво совиб кетди. Ёзиб ўтирган жойимда жунжика бошладим. Эшик орқасидаги қозикдан пальтомни олиб елкамга ташлаётганимда кимдир киришга ижозат сўради ва жавоб беришимни кутмаёқ, хонамда янги ходима пайдо бўлди. У мени курсида ўтирган деб ўйлаган шекилли, кирибоқ бир-икки қадам ташлаб, сўнг ортга ўгирилди. Мен эса худди ҳеч нарса бўлмагандек жойимга қайтдим. Менинг бу бепарволигимни кўриб хафа бўлдими ёки шошилинч кирганига хижолат тордими, негадир аста томоқ қириб қўйди. Қоғоз-қаламимни йифиштирас эканман, «Хўш?» деган маънода унга қарадим. Ходима бироз тараддуздланиб, «Бирон ёққа кетаяпсизми?», дея сўради.

— Ҳарқалай, шуни сўрагани кирмагандирсиз!

— Мўмин ака ҳамма ходимларга тайинланг, бугун тушликни жамоа билан қиласиз дегандилар, шуни айтиб қўяй деб...

Янги ходиманинг шошиб-пишиб айтаётган гаплари менинг кулгимни қистатди. «Келишдик», дедим унинг гапи тугагач ҳам туриб қолганини кўриб.

Мен хонамни қулфлаб коридор тўридаги залга бораётганимда ишхонамиз рўпарасидаги Марказий майдондаги соат ўн икки марта бонг урди. Залнинг ойнаванд эшигидан ичкари шундок қўриниб туарди — дабдабали безатилган стол, ўттизга яқин одам қолган бир-икки кишининг

келишини кутиб турарди. Ичкари кириб сездимки, Мўмин аканинг жойи бўш эди. Мен қаерга ўтиришга иккиланиб турганимда бояги ходима илтифот қилди: «Келинг, қўшни, ёнимдаги стул бўш». Индамай кўрсатилган ўриндиқقا чўқдим. Тавба, дедим ёнимдагиларни кузатарканман, битта идорада шунча одам ишларканмиз-у, салом-аликдан нарига ўтмас эканмизда. Эрталаб ҳамма хонасига шўнгийди, кечкурун соат олтида ҳамма уйига жўнайди. Бунақа тартиб-интизом ҳозирги шароитда анча қийин масала. Рўзғор ташвиши ҳамма нарсадан ошиб тушаётган бир пайтда бундай фидойилик билан хизмат қилиш чинакам эътиборли иш.

Бирдан ҳамма сергакланиб, ўтирганлар раҳбарнинг ҳурматига бир-икки қимиirlаб қўйишиди. Мўмин ака ёнида бир йигит билан кириб келди. У ҳаммага бир-бир қааркан, баралла овозда «Бу йигит бизда чоп этилаётган «Замон қўшиғи» китобининг муаллифи. Бугун ана шу китобнинг тасдиқдан ўтгани муносабати билан бизни меҳмон қилмоқчи!» деди дастурхонга ишора қилиб. Раҳбарнинг гапини эшитиб, баданимга тиф теккандек сескандим. Худди ҳамма менга тикилаётгандек, Мўмин ака билан ўртамиздаги сухбатдан бутун жамоа хабардордек ўзимни ноқулай сеза бошладим. Раҳбар эса менга истеҳзоли нигоҳ ташларкан, ҳаммани дастурхонга таклиф қилди. Мен икки ўт орасида қолган эдим — ўзимга қолса, шартта туриб чиқиб кетгим келарди, бу дастурхондан ҳам, жамоамдан ҳам тезроқ узилиб, холироқ жойга боришни, енгил нафас олишни хоҳлардим. Аммо, айни дамда, шунча одамни беҳурмат қилиб хонани тарк этиш ҳам мушкул эди.

Шу пайтда раҳбар ҳамманинг эътиборини қаратиб, менга «Шоир, сизга қанақасидан қуяй?!» деб қолди. Аъзойи баданимга ғазаб югурап экан, унга кескин эътиroz билдириш учун илкис бошимни кўтарган чоғимда телефоним жиринглаб қолди. Бу ўша эди. Бир дам тараддулланиб тургач, ташқарига йўналдим. Ўзимнинг хонамга етганимда бироз ўйландим-да, хонага кирмай, пастга — аччиқ қаҳва ичгани тушиб кетдим.

Буфетчи қизга қаҳва ва бутерброд буюраётганимда ҳам, мўъжаз тамаддихонанинг энг бурчагидаги жойга ўтираётганимда ҳам ҳозиргина юз

берган мулзамликни, йўқ, жирканч ҳодисани хаёлимдан чиқара олмасдим. Бу нима дегани, ош-нон билан тилингни қисқа қилиб қўйишса, кейин нима десалар, ғинг демай бажарсанг! Ким ўйлаб топган бундай маданиятли савдо-сотиқни, ўша ишбилармонларми ёки ўзимизнинг Мўмин акаларми! Ким бўлгандა ҳам жуда паст ўйлаган экан!

Қаҳвани қошиқча билан аралаштирас эканман, қўнғироқни эсладим. Унинг жуда зарур пайтда бўлганини ўйладим, лекин шу заҳотиёқ хаёлимга келган фикр мени гангитиб-довдираб қўйди — ахир у шунча йиллардан буён бир кунда икки марта қўнғироқ қилмаган эди.

Ишхона фойесининг кенг деразаларидан ташқарига термулиб, кўчани томоша қила бошладим. Ҳовлига тўп-тўп одамлар тушлик қилиш учун чиқишајпти, кимлардир тамаки тутатаяпти. Менинг ҳам хуморим тутди, сигарет ёндиридим. Аммо бояги қўнғироқ хаёлимдан чиқиб кетмасди, энди унутаман десам, ёнимда ўтирган кимнингдир телефони жиринглайди — яна ёдимга тушади. Мен то қаҳвани ичиб бўлгунимча, ишчилар тушликдан қайта бошлади. Шундагина бироздан сўнг тағин кабинетимга қайтишимни, бояги одамларни қўришимни ўйлаб юрагим хижил тортди. Буфетчи қиз ҳисоб-китоб қилгандан кейин ўрнимдан оғир қўзғалдим. Аммо ичимдаги бир товуш мени яна пича ўтиришга ундарди, оёғим ишга тортмасди. Мен яна унинг йўқловини эсладим. Ахир унга нима фойда? Шу биргина қўнғироқ энди унинг ҳаётига нима мазмун беради?! «Шошма!» дейман ўзимга ўзим, «Ахир шу қўнғироқ ҳозиргина сени бир синовдан асраб қолди, эҳтимол у сени чалғитмаганида, бу имтиҳондан ўта олмасдинг. Энг мушкул паллада ўша даврадан сени юлиб олиб, сенга қанчалик ёрдам бера олишини кўрсатди». Мен энди тушуна бошлаган эдимки, бу қўнғироқ менинг чинакам халоскорим эди. Неча бор тушкунликка тушган, тўғри йўл топишга қийналган кезларим у мени ўзимга келтирган эмасмиди? Мана, бугун менинг шундай нокулай аҳволда қолишимни у туш кўрмаган, бироқ ҳис этганини, энг муҳими, унинг керак пайтда қўнғироқ қилганини инкор эта олмайман. Уни йўқотганимдан кейин бир марта бўлса ҳам қайта учратмадим, тасодифан

бўлсин йўлиқиб қолмадик ҳам. Лекин у менинг ҳар бир кунимда яшади, яшаганда ҳам ростакамига, дардларимга қулоқ тутиб, беминнат яшади. Балки гўшак орқали бирон марта «Алло!» деганида, унинг барча ҳисларини тушуниб қолган ва қадрламай қўйган бўлишим мумкин эди. У эса бунинг ўрнига ҳамиша ўн битта рақам, менга ёдаки бўлиб кетган ўн битта рақам билан мурожаат қиласарди, холос.

Мен дадил қадамлар билан хонамга йўналдим, чунки энди ўзимни жуда ҳам енгил, ғам-ташвишсиз сезаётан, бундан буёғига одамларнинг ҳар турли қиёфасига хотиржам қарай олишимга ишонаётган эдим. Мен шунча йиллардан бери кўнглимни қиймалаб келаётган қўнғироқнинг огоҳлик қўнғироғи, ҳаёт қўнғироғи эканини фаҳмлаган эдим.

\* \* \*

Ҳали тонг ёришмасиданоқ хотиним туртиб уйғотди. Унинг бутун баданини тер босган, оғир-оғир нафас оларди. У шунча азобда ҳам юз-қўлимни ювиб келгунимча чидаб ётди ва ўрнидан қўзғаларкан жилмайганча “Вақти бўлди шекилли” деди, сўнгра “Қизлар уйғонса қўрқишишмасмикан”, дея улар ётган хонага хавотирли қараб қўйди.

Биз туғруқхонага етиб келганимизда тонг бўзарган, аммо осмон булутли эди. Йўлларда қатнов кам, унда-бунда фаррошлар кўча супуришарди. “Ўн олтинчи палата”, деди хотинимни жойлаштириб чиқсан ҳамшира ва кийимлар солинган халта билан қўлимга бир парча қоғоз тутқазди, “Керакли нарсалар, тезроқ олиб келарсиз”. Кўча эшик ёнида машинани тўхтатишм билан катта қизим чопиб чиқди, кўзларида ёш. Мен уни опичлаганча уйга йўналдим, хайриятки, кичкинаси ҳали уйғонмаган экан.

Товага тухум чақсан пайтимда телефоним жиринглаб қолди, хаёлимга “У бўлса керак, хурсандлигимни сезибди-да”, деган фикр келди. Катта қизим телефонни олиб келар экан, “Дада, тогам”, деди. Чиндан ҳам хотинимнинг укаси йўқлаган экан, унга бугунги янгиликни, ўзгариш бўлса телефон қилишимни айтдим. Нонушта қилиб бўлгач, иккала қизимни кийинтиришга

тутиндим. Ниятим уларни онасининг ёнига олиб бориб, бирров кўрсатиб келиш эди. Боғасига олиб бормайман, агар улар ҳам куни бўйи уйда бўлмаса, зерикиб қолишдан қўрқардим. Ишдан эса ҳафсалам пир бўлганди.

Шарфимни боғлаётиб хаёлимга антиқа бир фикр келди: унга ўзим телефон қилиб айтсам-чи, ахир у ҳам хурсанд бўлади. Лекин шу заҳотиёқ фикримдан қайтдим. Ўтган тўрт йил ичидаги март бўлсин гапирмади, энди мен дабдурустдан қўнғироқ қилиб, “Хотинимни тугруқхонага жойлаштирудим, суюнчи бер”, дейманми? Анча иккиланишдан кейин телефондаги унинг рақамини босдим, бир оз жимликдан сўнг узун-узун гудок кетди. Ва шу пайт... Аввалига эътибор қилмадим, аммо пича муддат тинглаб тургач, жиринглаган овоз шу уйдан, аллақайси бурчакдан келаётганини фаҳмлаб қолдим. Бир зумга тахтадек қотиб, ҳушимни йўқотаёздим. Жиринглаган овоз тошойнак ғаладонидаги пардоз кутичасининг ичидан таралаётганди...

Менинг шунча йиллардан бери минг-минглаб ришталар, азобли хотиралар орқали боғланиб келаётган яхлит кечмишим шу лаҳзаларда митти-митти парчаларга бўлинниб, тобора кўздан йўқолаётган эди.

*2008 йил.*

## МУНДАРИЖА

### Шеърлар

|                             |  |
|-----------------------------|--|
| Бодом гулларилик.....       |  |
| Йўл.....                    |  |
| Дийдор.....                 |  |
| Уч оҳанг.....               |  |
| Тилак.....                  |  |
| Наманган.....               |  |
| Эътиқод.....                |  |
| Муҳаббат.....               |  |
| Исм.....                    |  |
| Ҳижрон кечаси.....          |  |
| Ўт.....                     |  |
| Меъёр.....                  |  |
| Баҳор эшик қоқолмайди.....  |  |
| Ҳар қанча ўйламай.....      |  |
| Афсус.....                  |  |
| Автопортрет.....            |  |
| Шарпа ва дарпарда.....      |  |
| Ёлғизлик.....               |  |
| Бир сахар уйғондик.....     |  |
| Сукунатни бузди.....        |  |
| Илоё.....                   |  |
| Этюд.....                   |  |
| Ёзги ёмғир.....             |  |
| Масофа.....                 |  |
| Ҳижроннинг ҳар куни.....    |  |
| Хиёнат.....                 |  |
| Иқрор.....                  |  |
| Денгиз.....                 |  |
| Ҳаёт шеъри.....             |  |
| Келдингми, Куз?.....        |  |
| Ҳикоя.....                  |  |
| Кузги боғ.....              |  |
| Поезд келди.....            |  |
| Манзара.....                |  |
| Ноябрь.....                 |  |
| Кетиш.....                  |  |
| Қор.....                    |  |
| Қишки хат.....              |  |
| Қорпарча.....               |  |
| Ҳайит.....                  |  |
| Имтиҳон.....                |  |
| Ҳайрат.....                 |  |
| Сархушлик.....              |  |
| Сандиқдаги шеър.....        |  |
| Менинг баҳорим.....         |  |
| Издош.....                  |  |
| Жўнатилмаган мактублар..... |  |
| <b>Кисса</b>                |  |
| Ноябрь куйи.....            |  |